

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қул ёзма ҳуқуқида
УДК: 657: 336.22 (575.1)

И С Р О И Л О В
БОҲОДИР ИБРАГИМОВИЧ

СОЛИҚЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ихтисослик: 08. 00.08 «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий
таҳлил ва аудит»

Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2006

Иш Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Статистика»
кафедрасида бажарилган

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлар доктори, профессор
Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Ибрагимов Абдуғофир Каримович

иқтисод фанлари доктори, профессор
Жўраев Нуриддин Юлдошев

иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуғаниев Абдуқаҳҳор Абдулатифович

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги
Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2006 йил
«3» ноябр соат «15:00» да ўтадиган мажлисида бўлади


Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Х.Арипов кўчаси, 16 уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2006 йил «2» ноябр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари номзоди

Ф.Мирзаев



I. Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзусининг долзарблиги. Давлат ўз зиммасидаги конституцион вазибаларини бажариш мақсадида, зарур харажатларини молиялаштириш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар даромадларининг бир қисмини солиқ ва мажбурий тўловлар тарзида ўз хазинасига қонуний йўллар билан йиғиб олади. Лекин солиқ тўловчилардан ундириладиган солиқлар даражаси оптимал бўлиши зарур, акс ҳолда у иқтисодийнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Солиқ тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор суратда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган кўшма корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишиқ-пухта солиқ сиёсатини олиб бориш лозимдир»¹, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратилиши ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган ҳисоботларнинг 10 марта қисқаргани эвазига кичик бизнес субъектлари сони ўтган йилга нисбатан 31,5 мингтага кўпайган. 2005 йилда ялпи ички маҳсулотда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 7,3 фоизга, жумладан, истеъмолот товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2 фоизга ўсган².

Иқтисодий секторда рўй берган таркибий ўзгаришлар ялпи ички маҳсулот таркибига нодавлат секторининг ўсишига олиб келган. Натижада ялпи ички маҳсулотда нодавлат секторининг улуши 76 фоизни ташкил этмоқда. Иқтисодийта банд аҳолининг тўртдан уч қисми ёки 77 фоизи нодавлат секторида меҳнат қилмоқда³.

Иқтисодийта рўй бераётган ҳар қандай иқтисодий жараёнлар натижасидан мулкдор, корхонада ишлайдиган ходимлар, давлат ва жамият манфаатдор бўлиши лозим. Ўз навбатида, ушбу жараёнлар бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит, солиққа оид фанларнинг назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқишни ҳам талаб этади. Мазкур зарурий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа оид адабиётларни ўрганишлар кўрсатдики, солиқларнинг иқтисодий мазмуни, объект ва субъектлари, ставкалари, уларни оптималлаштириш масалалари хорижлик ҳамда

¹ Каримов И.А.: «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида»Т.:Ўзбекистон. 1995, 21-б.

² Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. /Ўзбекистон Овози. 2006 йил 11 февраль, № 18, 2-бет.

³ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. /Ўзбекистон Овози. 2006 йил 11 февраль, № 18, 2-бет.

мамлакатимиз олимларидан Р.Кэмпбелл, К.Макконнел, Г.Менкью, А.Лаффер, Лоренц, Д.Черник, В.Глухов, Э.Тайт, В.Твердохлебов, С.Фишер, А.Шенк, М.Шарифхўжаев, Д.Ф.Ғозибек, Ё.Абдуллаев, Э.Ғадоев, Ж.Р.Зайналов, Қ.Яхёев, Т.Маликов, О.Олимжонов, Ш.Абдуллаева, Н.Хайдаров, Б.Ходиев, А.Жўраев, В.Ғалкин, Х.Собиров, Ш.Тошматов кабиларнинг асарларида ёритилган.

Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил бўйича илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимлар И.Т.Абдукаримов, А.Ф.Аксененко, А.Д.Шеремет, В.Э.Керимов, В.Ф.Палий, М.Қ.Пардаев, Э.А.Акрамов, А.Х.Пардаев, А.Ваҳобов, А.Ибрагимов, Н.Ю.Жўраев, О.И.Волжин, В.П.Эргашбоев, Е.Ергешев, О.М.Жуманов, А.Х.Шоалимов, Д.Ў.Ўроқов, М.М.Тулаҳўжаева, Б.А.Хасанов, Ё.Абдуллаев, А.К.Иброхимов, А.Абдуғаниев, Д.Қ.Кудбиев, Х.Н.Мусаев, А.Абдуллаев, К.Б.Ўразов, А.Усанов, О.Бобожонов, М.Ю.Рахимов, Ш.Хайдаров, Ж.И.Исроиловлар корхоналар хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлиliga, айниқса уларнинг активлари, харажатлари ва молиявий натижалари ҳисоби ҳамда уларга таъсир этувчи омиллар таҳлиliga эътиборни қаратганлар.

Лекин солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлили, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш усуллари, солиқ юки, уларни аниқлаш, ҳисоблаш ҳамда таҳлил қилиш йўллари, солиқ назоратини ташкил этиш муаммоларига оид масалалар олимлар томонидан етарли даражада ўрганилмаган.

Аммо мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланиши учун солиқларнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиб, солиқлар ҳисоби, назорати ва таҳлилини такомиллаштириш, солиқлар миқдорига таъсир этувчи омиллар, солиқ юки, уни аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидланганлардан кўриниб турибдики, солиққа оид мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқот ўта муҳим ва аҳамиятлидир.

Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқотлар режаси билан узвий боғлиқ ҳамда унинг таркибиде ўз аксини топган. Мавзу Ўзбекистон Фан ва технологиялар агентлиги томонидан эълон қилинган илмий ишларнинг усгивор йўналишларига ҳам тўғри келади.

Тадқиқотнинг мақсади солиқларнинг молиявий ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлили муаммоларини тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ечими ва такомиллаштиришга оид назарий, методологик, амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

• «солиқ», «солиқ сиёсати», «солиқ ҳисоби», «солиқ юки» каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш ҳамда уларнинг янги такомиллашган таърифларини ишлаб чиқиш;

- солиқлар ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби тизимидаги аҳамияти ва ўрнини аниқлаш;

- бухгалтерия ҳисобининг миллий ва ҳалқаро стандартлари асосида солиқлар ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш;

- юридик шахслардан олинadиган қўшилган қиймат, даромад (фойда), ер, мол-мулк солиқлари ҳисобининг ҳолатини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш йўллари ҳамда уларни амалиётга жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- корхоналарда мол-мулк солиғи объектларини баҳолаш, солиқни тўғри ҳисоблашга эришиш учун уларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тавсия этиш;

- солиқлар таҳлилининг методологик асоси солиқ тўловчилар, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат солиқ хизмати органлари нуқтаи-назаридан амалга ошириш зарурлигини асослаш ҳамда уларни таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқлар миқдорига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг таснифи, аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиб, амалиётга тавсия қилиш;

- корхоналарга тўғри келадиган солиқ юқини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тавсия этиш;

- солиқ назоратини такомиллаштириш зарурлигини асослаш ва уларни амалга ошириш бўйича назарий, ҳуқуқий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- амалдаги қонунчилик нормалари асосида солиқ назоратининг объект ва субъектларини таснифлаш;

- амалдаги миллий ва ҳалқаро аудит стандартлари асосида солиқлар аудитининг миллий стандартлари лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш учун тавсия этиш;

- солиққа тортиш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиқ назорати бўйича қонунчиликда мавжуд номутаносибликларни аниқлаш ҳамда солиқ назоратини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- солиқларнинг ҳисоби, назорати ва таҳлилини такомиллаштиришга доир мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, уларни қонуний ҳужжатларда ўз аксини топиши учун тегишли идораларга тавсия қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган турли солиқларни миқдор ва сифат жиҳатидан ифодаловчи кўрсаткичларнинг бухгалтерия ҳисоби, назорати ҳамда таҳлилининг илмий, назарий, методологик асослари ва уларнинг концептуал йўналишлари тадқиқотнинг предметидир.

Турли мулкчилик шаклида фаолият юритадиган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат солиқ назорати органлари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги солиқларнинг молиявий ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлилининг назарий ва методологик муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий, услубий ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Бу қуйидагиларда ўз аксини топган:

- «солиқ», «солиқ сибсати», «солиқ ҳисоби» ва «солиқ юки» тушунчаларининг мазмуни, моҳияти очиб берилди ҳамда уларнинг иқтисодий-ижтимоий мазмунини ифода этадиган таърифлари такомиллаштирилди;

- солиқлар молиявий ҳисобининг бухгалтерия ҳисоби тизимидаги аҳамияти ва ўрни тадқиқ этилиб, бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари асосида солиқлар ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асослари ишлаб чиқилди;

- юридик шахслардан олинadиган қўшилган қиймат, даромад (фойда), ер, мол-мулк солиқлари ҳисобини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

- корхоналарда мол-мулк солиғи объектларини баҳолаш, уларнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш услубиётини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди;

- солиқ назоратини ташкил этиш тамойиллари ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурлиги назарий жиҳатдан асосланиб, амалдаги қонунчилик нормалари асосида солиқ назоратини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- миллий ва халқаро аудит стандартлари асосида солиқлар аудитининг миллий стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалиётга тавсия этилди;

- солиққа тортиш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиқ назорати бўйича қонунчиликда мавжуд номутаносибликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди;

- солиқларни мулкдорлар, ходимлар, давлат ва жамият нуқтаи-назаридан таҳлил қилишнинг объектив зарурлиги асосланиб, уни амалга ошириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди;

- солиқ тўловчилар фаолиятини текширишни режалаштиришдан олдин солиқлар таҳлилининг ўтказиш ва солиқларни тегишли миқдорда ўз вақтида тўлаётган ҳамда қонунчилик нормаларига амал қилиб ишлаётган корхоналар фаолиятини текширмаслик эвазига эришиладиган самарадорликни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектлар тўлайдиган солиқлар миқдорига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг таснифи, аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш қўшилган қиймат, даромад (фойда), мол-мулк, ер солиқлари мисолида очиб берилди ва амалиётга қўллаш учун тавсия қилинди;

• солиқлар суммасининг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар тизими таъсирини ҳисоблашда ҳар бир гуруҳ омилларнинг мохиятлик коэффициенти қўллаган ҳолда аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди;

• ҳўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари тавсия этилди;

• солиқ юкига таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилиб, амалиётга тавсия этилди;

• солиқлар ҳисоби, назорати ва таҳлилни такомиллаштиришга доир мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш, қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар берилди ва айрим тавсиялар амалиётга жорий қилинди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси жамиятда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган диалектик билиш назарияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ, мақолалари, таниқли мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий нашрлари ҳисобланади. Тадқиқот давомида бухгалтерия ҳисоби, аудитнинг миллий ва халқаро стандартлари, иқтисодий таҳлил услубиёти бўйича эришилган ютуқлар ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга ҳам асослангилди.

Тадқиқот натижасида яхлит хулосага келиш ва мантиқий бир-бирига узвий боғлиқ бўлган илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида иқтисодий жараёнларни ўрганишга системали ёндошилиб, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий ва математик ҳамда статистик ва бошқа илмий-мантиқий усулларида ҳам кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти солиқлар ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлили бўйича илмий ишда ёритилган назарий, методологик қоидалар, хулоса, тавсиялар солиқлар ҳисобини юритиш, солиқ юкини аниқлаш ҳамда солиқ назоратини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилишнинг концептуал асослари ҳамда давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари айрим назарий қондалардан «Иқтисодий таҳлил», «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Аудит», «Солиқ ва солиққа тортиш» ва «Солиқ назорати» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Ишда қорхоналарда солиқлар ҳисобини тўғри юритиш, назоратни ҳолисона ўтказиш ва таҳлил қилиш орқали давлат бюджетига тушадиган солиқлар миқдори, мулкдорлар маблағини қўпайтириш ва меҳнат жамоасини рағбатлантиришнинг ички имкониятларини ахтариб топиш ҳамда солиқ юкини аниқлаш йўллари кўрсатиб берилганлиги тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Тадқиқот натижаси бўйича олинган айрим хулоса ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси,

тадбиркорлик субъектларига, ассоциация, компания ва уюшмаларга тавсия қилинган, уларнинг бир қисми эса амалиётга тадбиқ этилган.

Хусусан, илмий тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши (2006 йил 27 январдаги далолатнома), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2006 йил 10 июндаги далолатнома) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (2006 йил 24 мартдаги далолатнома), Давлат солиқ қўмитаси (2006 йил 24 февралдаги 6/2-04 далолатнома) ва «Ўзмевасабзовотузумсаноат-холдинг» холдинг Компаниясида (2005 йил 11 декабрдаги АА-01-68-сонли далолатнома) қўллаш учун қабул қилинган.

Булардан ташқари тадқиқот натижасида олинган бир қатор тақлифлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш тўғрисида»ги, янги тахрирдаги «Солиқ Кодекси», «Давлат бюджети тўғрисида»ги қонунларни ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йил 28 сентябрдаги 04/1-13-65-сонли ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 ноябрдаги 16/2-11054-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижасининг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижасида эришилган айрим тавсиялар мамлакатимиз ўқув юртлари ўқув жараёнида қўлланилмоқда. Ишдаги хулосалар, ишлаб чиқилган тавсиялар Самарқанд (2000-2002), Тошкент (2002-2006), Москва (2006), Санкт-Петербург (2005-2006), Чимкент (2006) шаҳарларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб синовдан мувоффақиятли ўтиб ижобий баҳоланган, уларда баён этилган тақлиф ҳамда тавсиялар анжуманларнинг илмий тавсияларида ўз аксини топган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий тадқиқот натижалари бўйича 88 босма табоқдан иборат 52 та (шундан, 37 таси ўқув қўлланмалар, монография ва илмий мақолалар, ўқув услубий ҳамда илмий оммабоп ишлар, 15 таси илмий амалий конференцияларда қилинган маъруза тезислари) ишлар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши икки қисм мантиқан кетма-кет равишда ёритилган кириш, бешта боб, хулоса ва тақлифлар, 24 та расм, 28 та жадвал 283 номдаги адабиётлар рўйхати ва 15 та иловалардан таркиб топган 286 саҳифадан иборат.

II. Диссертациянинг асосий мазмуни

Солиқларга давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантирувчи, энг муҳим бўлган умумдавлат вазифаларини ҳал этиш учун зарур миқдордаги маблағни жамлантирувчи дастак сифатида қаралади.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Бюджет ва солиқ ислохотларни чуқурлаштириш. Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни унификация қилиш. Солиқ юкини камайтириш»⁴ жорий йилдаги устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди.

Солиқлар давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги молиявий муносабатларни ўзида ифода этадиган муҳим дастаклардан биридир. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олиб бориладиган бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим, ўта маъсулиятли объектларидан бири солиқларнинг молиявий ҳисобидир. Бухгалтерия ҳисоби олдида ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш, жамлаш, узатиш, шунингдек назорат қилиш воситаси сифатида, авволамбор, давлатнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларини ҳаётга тўлиқ, бекаму-кўст жорий этилишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Шунинг учун ҳам солиқ қонунчилиги талабларига мос келувчи ҳисоб тизимини шакллантириш давлат аҳамиятига молик муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз ва хорижлик олимлар томонидан солиқларнинг бухгалтерия ҳисобига оид чоп этилган адабиётлар асосида солиқлар ҳисобининг ҳисоб тизимидаги ўрни ҳамда уларнинг мазмуни бўйича муаллифлар қарашлари таҳлил қилинди.

Олимлардан В.Ф.Палий, В.В.Ковалев, Б.А.Хасанов амалиётчилардан Д.Шаулов, У.Кан ва бошқалар солиқлар ҳисобини корхоналар ички ҳисоб тизимининг бир тури сифатида эътироф этган.

Проф. Б.А.Хасановнинг фикрича, «...солиқлар ҳисобининг бухгалтерия ҳисобига киритилишини тўғри деб бўлмайди. Бу ўз мақсадлари, вазифалари ва функцияларига эга бўлган ҳисобнинг мустақил туридир. У тезкор, статистик ва бухгалтерия ҳисоби билан бир қаторда корхонанинг умумий ҳисоб тизимини ташкил этади»⁵.

Солиқлар ҳисобининг мустақил мақомга эга эканлигини Д.Шаулов ва У.Канлар ҳам таъкидлаганлар.

Уларнинг таъкидлашича, «...солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг ўрнини босмайди ва уни истисно этмайди, балки ўз усуллари ёрдамида бухгалтерия ҳисобидан солиқ ва йиғимларни ҳисоблаш учун бевосита фойдаланади»⁶.

В.В.Ковалев, В.Ф.Палийлар ҳам солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоби билан бир қаторга қўяди, чунончи уни Россия Федерациясида ҳам худди хорижий

⁴ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари ҳаракат қилишимиз лозим. // «Халқ сўзи». 2006 йил 11 январ, 1-бет.

⁵ Хасанов Б. А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт.- Тошкент: «Молия» нашриёти, 2003. - 86б.

⁶ Шаулов Д., Кан У. Бухгалтерия ҳисоби. 1-қисм. -Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2000. -84 с.

давлатлардаги каби мустақил ҳисоб тизими даражасига етказиш лозимлигини таъкидлайди.

2-гуруҳ олимлар солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг бир тури деб ҳисоблайди. Хорижий мамлакат олимларининг аксарияти солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг куйи тизими, деб эътироф этадилар. Ушбу фикрни, жумладан, Д.С.Морсе, Ж.Л.Зиммерман, Р.Айнсворс, Д. Деинес, Р. Д. Рлумли, К. Х. Ларсонларнинг ишларида учратиш мумкин. Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэллар фойда солиғи ҳисоб-китоби ва уни режалаштиришни бевосита бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми деб қарайдилар.

Мамлакатимиз олимларидан А.А.Каримов, Ф.Исломов ва А.Авлоқуловлар солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг тури, деб ҳисоблайдилар. К.Б.Уразов солиқларни бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти эканлигини эътироф этиб, уни корхоналар молиявий бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми сифатида тавсифлаган.

3-гуруҳ олимлар солиқлар ҳисобини молиявий ҳисобининг таркибий қисми, деб биладилар. Ушбу гуруҳга чунончи, Россиялик олимлардан Шеремет А.Д., Я.В.Соколовларни ўзбекисгонлик олимлардан О.Бобожонов, К.Жуманиязов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқориди баён этилганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, хорижий ва мамлакатимиз олимлари солиқлар ҳисобининг моҳияти, мазмуни, унинг мақоми, ҳисоб тизимида тутган ўрни борасида яхлит тўхтамга келган эмас. Шунингдек, солиқлар ҳисобига ҳам аниқ таъриф берилмаган. Солиқлар ҳисобини мустақил фан сифатида эътироф этган муаллифлар ушбу махсус фanning предмети, методи, ташкилий-ҳуқуқий асослари ва бошқа жиҳатларини тўлиғича очиб бермаганлар. Буларнинг барчаси мамлакатимизда солиқлар ҳисобининг концептуал асосларини тўлиғича шаклланмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар натижасида солиқлар ҳисобининг такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди. Солиқлар ҳисоби деганда, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш, улар бўйича имтиёзлар, кредитлар, кечиктирилган харажатлар, мажбуриятлар ва шу каби бошқа жараёнларни кузатиш, улар тўғрисида ахборотларни қайд этиш, йиғиш, жамлаш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш воситаси тушинилади.

Солиқлар ҳисоби мазмун, моҳияти ва ташкилий жиҳатларига кўра корхоналар бухгалтериясига юклатилган функционал мажбуриятлардан бири ҳисобланади. Солиқлар ҳисобининг тўғри ва ўз вақтида юритилишига республикамиз қонунчилигига мувофиқ корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси молиявий ҳамда маъмурий жиҳатдан жавобгардир. Корхонада ўрнатилган ҳисоб сиёсатига кўра солиқлар ҳисоби бош ҳисобчининг ўзи ёки алоҳида бўлим, масъул шахс (шахслар) томонидан бош ҳисобчининг раҳбарлиги ва жавобгарлигида олиб борилади. Булардан хулоса қиладиган бўлсак, солиқлар ҳисобини корхоналар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисобидан ажратиш бўлмайди. Демак, солиқлар ҳисоби умуман олганда сўзсиз бухгалтерия ҳисобига

тегишлидир. Уни мазмун ва моҳияти, ташкил қилиниши жиҳатдан бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми ёки таркибий элементи, деб аташ мумкин.

Солиқлар ҳисобини мақсади, мазмуни ва моҳиятига кўра ички ва ташқи фойдаланувчилар учун мулжалланган бухгалтерия ҳисобининг махсус бўлими, деб қараш тўғрироқдир. Ушбу бўлим корхоналар бухгалтериясининг бошқа бўлинмалари сингари махсус функционал мажбуриятларни бажаради. Бундай мажбуриятларга бевосита давлат солиқ органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоб-китобларини тузиш ҳамда уларнинг жорий ва йўзма ҳисобини олиб бориш кабилар қиради. Солиқлар ҳисоби бўлинмаси корxonанинг барча жавобгарлик марказлари, шу жумладан бухгалтериянинг барча бошқа бўлинмалари (моддий бойликлар, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб бўлинмалари) билан узвий алоқада бўлади, яъни улардан солиқларни ҳисоб-китобига тегишли бўлган барча маълумотларни олади. Солиқлар ҳисоби бўлинмаси корxonанинг раҳбариятини солиқларга доир ахборотлар билан таъминлайди. Демак, солиқлар ҳисоби бўлинмаси корxonанинг ички бошқарув тизимида, ушбу тизим учун хизмат килувчи бошқарув бухгалтерияси фаолиятида ҳам фаол иштирок этади. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, солиқлар ҳисоби корxonаларнинг бошқарув тизимида муҳим ўринга эга.

Шунинг учун ҳам, бизнингча, солиқлар ҳисобини профессор А.Д.Шеремет таъкидлаганидек «молиявий ҳисоб негизидagi солиқ ҳисоб-китоблари» эмас, балки корxonанинг умумҳисоб тизими таркибидаги махсус бўлинма, деб аташ мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоби фанининг солиқларни ҳисоблаш, тўлаш, улар бўйича имтиёзлар, кредитлар, кечиктирилган харажатлар, мажбуриятлар ва шу каби бошқа ўта муҳим масалаларни тадқиқ этувчи махсус тармоғи сифатида тан олиш лозим.

Солиқлар ҳисоби, бир томондан, умумий бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларига таянади, иккинчи томондан эса, у ўзининг хусусий концептуал асосларига ҳам эгадир. Ушбу хусусий концептуал асослар негизида бевосита давлатнинг солиқ сиёсати, бу сиёсатни ифодаловчи қонун ҳужжатлари талаблари ётади. Солиқлар ҳисобининг юқорида келтирилган жиҳатлари унинг ўзига хос предмети, объектлари, усул ва услублари борлигидан дарак беради. Бу, ўз навбатида, солиқлар ҳисобини бухгалтерия ҳисоби фанининг махсус тармоғи сифатида тан олиш имконини беради, деб ўйлаймиз.

Солиқлар ҳисобини фanning махсус тармоғи сифатида ўрганишнинг яна бир аҳамияти шундаки, у давлатимизнинг солиқ ва ҳисоб қонунчилиги ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш борасидаги муаммоларни чуқур тадқиқ қилишга, уларнинг турли муқобил ечимларини асослашга имкон беради. Чунончи, ҳар бир солиқ бўйича солиққа тортиш базасини, солиқ имтиёзлари, солиқлар бўйича кечиктирилган харажат ва мажбуриятларни бевосита солиқ қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб ҳисобини юритиш тартибларини атрофлича кўрсатиб бериш ушбу фан тармоғининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Солиқлар ҳисобининг предмети бўлиб солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқ тўловлари ҳисобланади.

Солиқлар ҳисобининг объекти ҳар бир солиқ тури, улар бўйича солиққа тортиладиган база, солиқ имтиёзлари, солиққа доир жорий ва кечиктирилган харажатлар, жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар, солиқлар бўйича молиявий, маъмурий жарималар, уларни ундирилиши ва ҳисобдан чиқарилиши каби масалалар ҳисобланади.

Солиқлар ҳисобининг субъектлари турли мулкчилик шаклидаги ва ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади. Ҳисоб бирлиги сифатида ушбу ҳўжалик юритувчи субъектлар турли солиқ режимларида фаолият кўрсатувчилар бўлиб ҳисобланади.


Солиқлар ҳисобини юритишга асос бўлувчи бош ҳўжжат бўлиб асосан маҳсус ҳисоб-китоб шакллари ҳисобланади. Улар ҳар бир солиқлар бўйича турли шакл ва мазмунга эга бўлади. Масалан, солиқлар ҳисобини юритишда инвентаризация усулидан бевосита фойдаланилмайди, балки ундан товар-моддий бойликларни сотиш, пул маблағларини реал ҳолатини аниқлашда кенг қўлланилади. Буларсиз солиққа тортиладиган базани реал аниқлаб бўлмайди. Солиқларни инвентаризацияси натижаларини расмийлаштирувчи асосий ҳўжжат таққослама қайдномалар ёки далолатномалардир.

Солиқларнинг тизимли ҳисобини юритиш сўётлар ва уларга икки ёқлама ёзув усулидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шунинг билан бирга бюджет олдидаги қарзларни ҳисоби учун мўлжалланган умумий бухгалтерия сўётлари солиқларнинг батафсил (кенг мазмундаги) ҳисоби учун етарлича бўлмайди. Шу сабабли ҳам солиқларнинг батафсил ҳисобини юритиш учун алоҳида маҳсус сўётларни юритиш лозим бўлади. Ушбу сўётлар тизимини ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сийёсатига қараб белгилаши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг умумий усуллари бўлган баланс ва ҳисоботда солиқларнинг ҳисобланган, ўтказиб берилган суммалари, шунингдек улар бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг ҳолати тўғрисидаги йиғма маълумотлар акс эттирилади. Солиқларнинг батафсил ҳисоби корхоналар молиявий ҳисобининг ушбу шакллари берадиган маълумотларни янада ҳам бойитиб, уларнинг ички ва ташқи ахборот истеъмолчилари учун фойдалилик даражасини ошириш имконини беради.

Солиқлар ҳисоби маълум тамойилларга асосланиши табиий ҳол. Лекин, изланишлар шунини кўрсатмоқдаки, адабиётларда солиқлар ҳисоби концептуал асосларини ифодаловчи тамойиллар етарлича ўрганилмаган ва уларнинг моҳияти, таснифи, қўлланилиш жиҳатлари тўлиғича очиб берилмаган.

Бизнингча, солиқлар ҳисоби, бир томондан, давлатимизнинг солиқ сийёсати ва уни ифодаловчи тамойилларга, иккинчи томондан, бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланиши лозим. Шунинг билан бирга солиқлар ҳисоби ўзининг хусусиятларини ифодаловчи тамойилларига ҳам эгадир. Солиқлар ҳисобини юритишга асос бўлувчи тамойилларни қуйидаги занжирсимон тизим сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблаймиз (1-расм).




1-расм. Солиқ тўловлари ҳисобини юритишга асос бўлувчи тамойиллар тизими

Чизмадан кўриниб турибдики, солиқлар ҳисобини юритишда бош ролни солиққа тортиш тамойиллари ўйнайди. Ушбу тамойилларнинг таснифи, тавсифи солиқ назарияси ва амалиётига доир адабиётларда, республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларида атрофлича ёритилган. Шу сабабли асосий эътиборни солиқ солишнинг тан олинган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий тамойилларини солиқлар ҳисобини юритишдаги ўрнини кўрсатишга қаратмоқчимиз. Чунки, ушбу тамойилларга амал қилмасдан солиқлар ҳисобини тўғри юритишни таъминлаб бўлмайди. Ўз навбатида, ахборотларни йиғиш, жамлаш, узатиш воситаси сифатида солиқлар ҳисоби, авваламбор, давлатимизнинг солиқ солиш тамойилларини ҳаётга талбиқ этишга хизмат қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Солиқлар ҳисобини юритишда солиқ солишнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий тамойиллари ўта муҳим ролни ўйнашлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Солиқ тўловларининг барча турларини ҳисоблаш, бюджетга ўтказиб бериш, солиқларнинг ставкаси, солиқлар бўйича доимий, вақтинчалик ёки махсус шaroитларни эътиборга олиб давлат томонидан берилган имтиёзлар республикамизнинг солиқлар бўйича қонунлар тўплами бўлган Солиқ кодексига белгилаб қўйилган. Солиқларни тўлаш барча ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурийдир. Ушбу мажбурий тўланадиган солиқларнинг турлари ҳам солиқ қонунчилиги ҳужжатларида ўз аксини топган.

Солиқларнинг мажбурийлиги уларни давлат томонидан белгиланган муддатларда ҳисобот даври учун бўнак ҳамда якуний ҳисоб-китоб асосида тўлашни тақозо этади. Ушбу тартибга амал қилиш ҳам мажбурийдир. Унинг бузилиши, ўз навбатида, солиқ тўлашдан қочиш каби салбий ҳолларнинг олдини



2-расм. Солиқлар ҳисобини юритишга асос бўлувчи солиқ солиш тамойиллари

олиш мақсадида маълум даражадаги молиявий ва маъмурий жазо чораларини қўллашни қонунлар асосида белгилашни тақозо этмоқда. Бундай чораларнинг турлари ва миқдорлари ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган, уларнинг қай даражада бажарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотларни бериш солиқлар ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Солиқ солишда солиқ субъекти ва объекти бирлигини аниқ ифодалаш муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам улар солиқ солишнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Солиқ қонунчилиги ҳужжатларига кўра солиқ солиш субъекти бўлиб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб даромад олаётган барча юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ушбу тамойил ҳар бир солиқ тўловчини солиқ ҳисоби юритиладиган субъект сифатида тан олиш имконини беради. Республикамиз қонунлари бўйича ҳар бир мустақил солиқ тўловчи унинг мақоми, кўрсатаётган фаолият турлари ва танлаган солиқ режими бўйича мос равишдаги солиқ субъекти бўлиб ҳисобланади. Солиқ объекти деганда эса у ёки бу тўланадиган солиқ тўлови учун асос бўладиган фаолият тури, кўрсаткич, мулк, пулда ифодаланган қиймат ёки миқдор жиҳатдан ифодаланган объект тушунилади.

Солиқ тўловлари турли шарт-шароитларда турлича ставкаларда ва миқдорларда ундирилади. Солиқ тўловчиларга турли ҳолатлардан келиб чиқиб турлича солиқ имтиёзлари ҳам берилади. Буларнинг барчаси давлатнинг солиқ солишда табақалаштириш тамойилини қўллашни ифодалайди. Ушбу тамойил солиқлар ҳисобини юритишга асос бўлади. Солиқ имтиёзларини баланс ёки балансдан ташқари счётларда вақтинчалик ёки доимий равишда акс эттириб

бориш, берилган имтиёزلарни бевосита ишлатиш ёхуд жамғариб бориш бўйича реал ахборотларни бериш солиқлар ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Барча солиқ тўловлари даврий, маълум муддатларда тўланадиган қарзлар ҳисобланади. Республикамиз конунларига мувофиқ солиқ тўловлари жорий ҳисобда ҳар ойда, ҳисоботларда эса ҳисобот даврлари бўйича ўсиб бориш тартибда акс эттирилиши лозим. Айнан ушбу тамойил бухгалтерия ҳисоби, чунончи солиқлар ҳисоби учун асос бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солиш тамойилларини ҳаётга тадбиқ этилиши нафақат бевосита солиқ солиш амалиётига, балки бевосита солиқ ҳисобини юритишга ҳам асос бўлиб ҳисобланади. Солиқлар ҳисобини ушбу тамойилларга таяниб ва асосланиб юритиш солиқ ҳамда ҳисоб конунчилиги ҳужжатларини ҳамжиҳат тарзда амалиётга жорий этилаётганлигини билдиради.

Солиқлар ҳисобини юритишда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда белгиланган тамойилларга таянилади.

Фикримизча, бухгалтерия ҳисоби тамойиллари, биринчи навбатда, унинг услубий ва ташкилий жиҳатларига боғлиқ. Айнан ушбу талаблар солиқлар ҳисобининг ҳам асосини ташкил қилади. Бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари асосида солиқлар ҳисобига асос бўлувчи тамойилларни мос равишда услубий, ташкилий ва ахборотлар сифатини ифодаловчи тамойилларга ажратиш, шунингдек уларнинг таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия қилмоқдамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Солиқлар ҳисоби тамойилларининг гуруҳлари ва таркиби

Услубий тамойиллар	Ташкилий тамойиллар	Ахборотларнинг сифат даражасини белгиловчи тамойиллар
<ul style="list-style-type: none"> • икки ёқлама ёзув; • узлуксизлик; • пулда баҳолаш; • ҳисоблаш; • мазмуннинг шаклдан устунлиги; • ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> • тежамкорлик; • таъсирчанлик; • илмий асосда ташкил этилганлик; • илғор технологияларга асосланганлик. 	<ul style="list-style-type: none"> • ҳаққонийлик; • таққосламалик; • эҳтиёткорлик; • муҳимлилик; • ўз вақтидалилик; • бетарафлик; • мутаносиблик.

Солиқлар ҳисобининг юқорида келтирилган ҳар бир тамойилининг ўз мазмун ва моҳиятига эга. Уларнинг мазмуни ишда тўлиқ очиб берилган.

Солиқлар ҳисобини юритишга асос бўлувчи тамойилларни тўғри белгилаш, уларга тўлиқ амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу нафақат

солиқлар ҳисобини тўғри юритилишига, балки улар назорати ҳамда таҳлилини ҳам яхшилашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида «ссудалар бериш ва ўтказиш операциялари» қўшилган қиймат солиғидан озод этилган. Аммо «ссудалар бериш ва ўтказиш операциялари» таркиби мезърий ҳужжатларда таснифлаб берилмагани турли пизолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Худди шунингдек, тадқиқотлар қўшилган қиймат солиғи бўйича экспорт қилинган товарлар учун нолли ставка билан солиққа тортишда зарур белгиланган ҳужжатлар рўйхати ҳам имтиёزلарни нотўғри қўллашга сабаб бўлишини кўрсатмоқда. Чунки маҳсулот (иш, хизмат)ларни реализация қилиш учун 15 фоизлик тўловнинг амалга оширилиши етарлидир. Бу эса амалиётда экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўловларнинг тўлиқ келиб тушмаслиги натижасида давлат бюджетига ҳисобланган солиқларни ўз вақтида тўланмаслик эвазига катта миқдорда зарар кўришга ва валюта жамгармасига белгиланган валюта тушумларини келиб тушмаслигига сабаб бўлмоқда.

Бу тadbир, биринчидан, «ссудалар бериш ва ўтказиш операциялари» таркибини таснифлаш, иккинчидан амалдаги солиқ ҳисоби регистри ва мезърий ҳужжатларга муддатида келиб тушмаган экспорт маҳсулоти суммасини чегиришни назарда тутадиган ўзгартириш киритиш, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар тушумини таъминлашга ҳамда солиқ тўловчиларни солиқ тўлашдан бўйин товлашлари учун мавжуд шароитни бартараф этади. Натижада бу солиқ тўловчининг бюджет олдидаги масъулиятини ошириб, ўз маблағларини четдан тезроқ оборотига жалб этиш манфаатдорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари ушбу таклифни амалиётга жорий этиш давлат валюта захирасини тўлдиришга оид валюта сиёсатини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромаддан солиқ тўловчилар ҳисобланади. Ушбу солиқ ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари солиқ объектини аниқлаш, базасини ҳисоблаш, яъни даромад ва чегирмалар таркибини аниқлаб олиш ҳамда солиқни ҳисоблаш, бюджетга тўлаш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Фикримизча, даромад (фойда) солиғи ҳисоби ва ушбу кўрсаткичнинг бухгалтерия ҳисоби ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, текширувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларининг таҳлилига вақт сарфини камайтириш мақсадида 21-сон БҲМСда назарда тутилган 9900 «Якуний молиявий натижалар» счёти тизимида қуйидаги счётларни очиш лозим:

9910 «Солиққача фойда (зарар)»;

9920 «Даромад (фойда) солиғидан кейинги фойда (зарар)».

Тавсия этилаётган 9910 «Солиққача фойда (зарар)» счёти вақтинчалик (транзит) счёт бўлиб, унда юқорида келтирилган барча даромад ва харажат счётлари маълумотлари жамланади. Солиққача фойда кўрсаткичини таклиф этилаётган тартибда юритиш, бухгалтерлар ва текширувчиларнинг даромад

(фойда) солиғи ҳисоб-китобини тузиш ҳамда уни тўғрилигини назорат қилишга доир ишларини енгиллаштириб, уларга сарфланадиган вақтни тежайди.

Тақлиф этаётган 9920 «Даромад (фойда) солиғидан кейинги фойда (зарар)» счётининг дебетида фойданинг ишлатилиши, яъни даромад (фойда) солиғи (9810 «Фойда солиғи» счёти), ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғи (9820 «Ободонлаштириш ва инфраструктурани ривожлантириш солиғи» счёти) акс эттирилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу счётнинг кредит оборотининг дебет оборотидан ортиқ қисми корхонанинг соф фойдасини кўрсатади ва у Дебет 9920 «Даромад (фойда) солиғидан кейинги фойда (зарар)» Кредит 8710 «Ҳисобот даврнинг тақсимланмаган фойдаси» ёзуви билан ёпилади. Корхонанинг зарар билан чиқишига юқоридаги ёзув тескари берилади.

Амалдаги тартибга мувофиқ бухгалтерлар ва текширувчилар солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни турли харажатларни ҳисобга олишга мўлжалланган счётлардан териб чиқадилар. Албатта, бундай тартибда хато қилиш rischi катта бўлади. Ушбу riskни камайтириш мақсадида барча харажатларни акс эттирувчи счётлар тизимида (2000, 2300, 2500, 9410, 9420, 9430, 9600) махсус солиққа қайта қўшиладиган қисмини тизимли акс эттирувчи счётларни кўзда тутиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Даромад (фойда) солиғига тортиладиган кўрсаткичлар ҳисобини юритиш бўйича юқорида келтирилган тақлифларимиз республикамизнинг меъёрий ҳужжатларини ўзаро уйғун ҳолда амалиётга жорий этилишига имкон беради.

Юридик шахслар томонидан давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган даромад (фойда) солиғи бўйича ҳисоботларини тузишда фойдаланиладиган асосий манба бўлиб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уларнинг юритилиши, маълумотларнинг ҳаққонийлиги, бухгалтерия ёзувларининг содир этилган жараёнлар мазмунига мос келиши муҳимдир.

Шу сабабли Солиқ Кодексининг янги таҳририга юридик шахслар даромад (фойда) солиғи ҳисобини ташкил этиш ва унинг тамойилларига оид махсус боб киритиш бухгалтерия хизмати ходимлари ишини анча енгиллаштиради, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимизда мол-мулкни солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу ўзига хослик биринчидан, унинг объекти бўлиб нафақат мол-мулк қиймати, балки ўз муддатида тугалланмаган қурилиш ва белгиланган муддатда ўрнатилмаган ускуналарнинг қийматининг ҳам ҳисобланишидадир.

«Юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида»ги Йуриқномада солиққа тортиш учун мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини аниқлашда ҳисобот йили 1 январидagi ва ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидagi мол-мулк қолдиқ қийматининг ярмини қўшишдан олинган суммани ҳамда ҳисобот даври қолган барча ойлари ҳар бир дастлабки кунидagi мол-мулк қолдиқ қиймати суммасини 12 га бўлиш йўли

Библиотека 17
СамСХИ
ИНР. №-14029

билан аниқлаш тавсия этилган. Лекин мазкур услубиётда солиққа тортиладиган асосий мол-мулк ўртача йиллик қийматини аниқлашда асосий воситалар, номоддий активларнинг қиймати инобатга олиниб, белгиланган муддатларда қурилиши тугалланмаган ва ўрнатилмаган ускуналар қиймати ўз аксини топмаган.

Баён этилганлар асосида солиққа тортишда мол-мулкнинг ўртача қийматини аниқлаш учун қурилиши белгиланган муддатларда тугалланмаган объектлар ва белгиланган муддатларда ўрнатилмаган ускуналар қиймати ҳамда солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган имтиёзли мол-мулк қийматини ҳам инобатга олишни тавсия этамиз.

Маҳсулот экспортини амалга оширадиган корхоналар мол-мулк солиғи бўйича имтиёزلардан фойдаланиш учун давлат солиқ хизмати органларига мол-мулк солиғи ҳисоб-китобини тақдим этаётганларида экспорт қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га доир маълумотномани ҳам ҳисоботга қўшиб топширадилар. Бунинг учун ҳисоботга илова қилинган маълумотномада соф тушум, шу жумладан экспорт ҳажми ва экспорт ҳажмининг жами соф тушумдаги ҳиссаси кўрсатилиши кифоя ҳолос.

Лекин меъерий ҳужжатларда маҳсулот экспорт ҳажмини тасдиқловчи регистрлар ва уларга қўйилган талаблар ақс этирилмаган. Бу ҳолат хўжалик юритувчи субъектлар учун экспорт ҳажмини ошириб кўрсатиш йўли билан бюджетга зарар етказишга имконият яратади. Амалиётда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жўнагилган маҳсулотлар учун валюта маблағларини белгиланган муддатларда келиб тушмаслиги, ёки умуман келиб тушмаслик ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Натижада имтиёздан кўзланган мақсадга эришилмасдан қолмоқда.

Шу сабабли биз ушбу имтиёзни қўллаш учун маҳсулот экспортини тасдиқловчи ҳужжат сифатида маҳсулотни жўнатишнинг тасдиқловчи божхона юк декларацияси, чет эл валютасини хўжалик юритувчи субъект ҳисоб рақамига келиб тушганини тасдиқловчи банк кўчирмасини белгилаш ва давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган мол-мулк солиғи ҳисоботида эса имтиёзлар миқдорини ақс этириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу тартибни амалиётга жорий этиш биринчидан, имтиёздан кўзланган мақсад валюта заҳирасини қўпайтиришга, иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар маҳсулот экспорти учун (имтиёз олиш мақсадида) валюта тушумларини тезроқ таъминлашга хизмат қилади. Учинчидан, солиқ тўловчининг маблағлари айланишининг тезлашуви натижасида самарадорлик ошади ва бюджетга қўшимча тушум таъминланишига эришилади.

Тадқиқотлар давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари ҳамда бошқа мулклари солиққа тортилмасдан қолаётгани аниқланиб, юридик шахслар мол-мулки солиғи объектига қимматли қоғозлар ҳамда бошқа мол-мулкларни киритиш ва жисмоний шахсларга йиллик даромадларини декларациялашда қимматли қоғозларни инобатга олиш тартиби тақлиф этилди.

Мамлакатимизда амал қилаётган барча солиқ турларининг объектлари бухгалтерия ҳисобида моддий ёки номоддий активлар сифатида маълум бир счётларда ҳисобга олинади. Солиқ объектларини бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олиш, уларни ҳисоб-китоб ва назорат қилишни ташкил этиш имкониятини беради. Лекин ер солиғи объекти ҳозирда бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинмайди. Амалдаги бухгалтерия ҳисоби қонунчилиги нормаларига кўра ушбу камчиликни баргараф этиш имконияти мавжуд бўлсада, ҳанузгача ушбу имкониятдан фойдаланилмасдан келинмоқда. Ер ҳам кўчмас мулк сифатида биржалар орқали сотилаётган бўлсада, уни бухгалтерияда ҳисобга олиш механизми ишлаб чиқилмаган.

Холбуки, Самарқанд, Сурхандарё, Тошкент, Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари учун солиқ солиш мақсадида, Геодезия ва ер ресурслари қўмитаси томонидан ерларнинг норматив қиймати белгилаб берилиши (2004 йилдан бошлаб) тажриба сифатида босқичма-босқич жорий этилиши ерни бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олиш имкониятини бермоқда.

Шу сабабли ерни жисмоний шахслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарин билан шуғуланаётган юридик шахслар учун кўчмас мулк биржаларда сотилган қийматда, қишлоқ хўжалик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун эса қонунчиликда ўрнатилган тартибда белгиланган норматив қийматида бухгалтерия счётида ҳисобга олишни ташкил этиш зарур.

Фикримизча, ерни тавсия этилган тартибда бухгалтерияда ҳисобга олиш биринчидан, ердан унинг ҳақиқий бозор баҳоси асосида солиқ ундиришни таъминлайди. Иккинчидан, ер солиғи ҳисоб-китобларини тузишни соддалаштириб солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органларини ортиқча ишдан холос этади.


Бозор муносабатлари шароитида солиқ назоратини тўғри таъминлаш муҳимдир. Чунки назорат орқали бюджетга солиқ тўловчилар томонидан қасддан ёки янглишиш натижасида яширилган тўловлар аниқланиб, ижтимоий адолат ва ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлик тамойиллари таъминланади. Шунинг учун ишда солиқ назорати ва уни ташкил этиш амалиёти ҳамда у бўйича мавжуд қарашлар ўрганилди.

Юқоридагиларга асосан солиқ назоратига қуйидагича таъриф бериш мумкин «Солиқ назорати деганда ваколатли давлат органлари, мулкдорлар ёки бошқа манфаатдор субъектлар томонидан гадбиркорлик субъектларининг бюджет ва мақсадли жамғармаларга солиқ ҳамда ажратмаларни ҳисоблаш, белгиланган муддатларда бюджетга тўлиқ ўтказиш тўғрисидаги мажбуриятлар ижросини қонунчилик нормаларида ўрнатилган тартиб ва муддатларда текшириш тушунилади». Ушбу таъриф назоратнинг субъектлари, объектлари, унинг мақсадлари, асослари ва муддатлари каби тушунчаларни ўзида мужассам этиб, унинг мазмунини тўлиқ очиб беради.

Назоратнинг объект ва субъектларини белгилаб олиш ҳам муҳим масала эканлиги боис, тадқиқотлар натижасида солиқ назоратининг объект ва субъектларига ҳам таърифлар берилди.

Юқоридагиларга асосан солиқ назоратининг вазифалари ҳам аниқланиб, уларнинг таснифи ва мазмуни ишда тўлиқ очиб берилди.

Солиқ назоратининг усули - бу назоратни амалга оширишнинг аниқ ҳаракат усулудир. Мамлакатимизда солиқ назоратининг бирқанча турлари қўлланилади (3-расм).



3-расм. Солиқ назорати турлари таснифи.

Назорат усулларининг мазмуни ишда батафсил қараб чиқилган.

Солиққа оид мажбуриятлар ҳамда ҳуқуқлар мажмуаси солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги муносабатларни юзага келтиради. Солиқ муносабатлари мамлакатимизда қатор қонунлар билан тартибга солинади. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик солиқ қонунчилигини турли шаклда бузиш йўллари орқали содир этилади. Бу турдаги ҳуқуқбузарликлар солиқларни нотўғри ҳисоблаш, уларни ўз муддатида ва тўлиқ бюджетга тўламаслик, яъни солиқ тўловчиларнинг солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш каби ҳаракатлари орқали содир этилади. Ушбу ҳуқуқбузарликлар моҳиятини очишда уларни таснифлаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотлар натижасида солиққа оид ҳуқуқбузарликларни иқтисодий мазмуни бўйича қуйидагича гуруҳлаш тавсия этилди:

- солиқлар ва бошқа тўловларни ҳисоблашга доир;
- солиқ ва бошқа тўловларни ундириш бўйича;
- солиқларни бюджетга тўлаш бўйича;

• банкларнинг солиқ тўловчилар маблағларини бюджетга белгиланган тартибда ўтказилиши бўйича.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай корхонанинг бюджет билан алоқаси узлуксиз содир бўлиб турадиган иқтисодий жараёндр. Чунки, корхоналар мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат бюджетига белгиланган тартибда, миқдорда солиқ ва йиғимлар тўлаб боришлари шарт. Чунки, солиқлар орқали давлат бюджетини шакллантириш билан бир пайтда, иқтисодийни соғломлаштириш ва ривожлантириш, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш каби муҳим масалалар ҳам ҳал этилади. Текшириш ҳаминша, ҳамма ҳужалик юритувчи субъектларда ҳам самара беравермайди. Текширишни ташкил қилишдан олдин уларнинг фаолиятини таҳлил қилиб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки таҳлилларсиз ўтказилаётган текширувларнинг кўпчилиги тадбиркорлик субъектлари ходимларининг вақтини олишга уларнинг асосий иш фаолиятини

маълум вақтга тўхтатишга, шу асосда текширувларнинг самарадорлигини камайтиришга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2000-2005 йилларда ўтказилган текширувлар таҳлили текширувларнинг ўртача 15,5 фоизи самарасиз яқунланганлигини кўрсатди.

Текширувлар таҳлиллар натижасида режалаштирилганда эди, биринчидан самарасиз текширувлар камайган иккинчидан, солиқларни ўз вақтида тўлиқ тўлаб бораётган солиқ тўловчиларнинг унумли иш вақтини тўлиқ қувватда маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромад олишга йўналтирилиб, солиқ тушумларини янада кўпайиш имкониятлари пайдо бўлган бўлар эди. Энг муҳими, солиқ тўловчиларда солиқ қонунчилигига риоя этиш текширувларни камайтиришга олиб келишига ишонч уйғотган бўлар эди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширувлар натижаларига кўра солиққа оид ҳуқуқбузарликлар сабабларини ўрганиш солиқларни ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар натижасида молиявий жарима тўлаш эвазига корхоналар бир қатор иқтисодий кийинчиликларга дуч бўлаётганини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал

Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар сабабларининг таҳлили

Ҳуқуқбузарликлар содир этилиш даражаси (фоизда)

Йиллар	Солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунларини ва амалдаги меъёрий ҳужжатларини мукамал билмаслиги	Солиқ тўловларга қаратилган меъёрий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгариб туриши	Бюджет ва корхона ўртасидаги солиққа оид муносабатлар таҳлилининг ташкил этилмаганлиги	Солиқ тўловчилар даромадларини ва солиқ ҳисобланадиган объектларни қасддан яшириляётганлиги	Солиқ тўловчи ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги тарғибот-ташвиқотга оид муносабатлар етарли даражада шаклланмаганлиги	Солиқ тўловчининг ўзида ҳам иқтисодий таҳдиднинг яхши йўлга қўйилмаганлиги	Жами (% да)
2000	10,5	2,0	42,6	45,1	-	-	100,0
2001	9,7	1,8	43,5	45,0	-	-	100,0
2002	10,9	6,5	35,4	47,2	-	-	100,0
2003	11,5	6,8	33,9	47,8	-	-	100,0
2004	11,9	6,5	31,2	44,3	0,8	5,3	100,0
2005	12,0	6,0	32,0	43,7	1,2	5,1	100,0

Манба: Давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Жадвал маълумотларидан солиқ тўловчилар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар асосан даромадлар ва солиқ тўланадиган объектларни қасддан яшириш, солиқ органларида ҳисобдан ўтмаслик, бюджет ва корхона ўртасидаги солиққа оид муносабатлар таҳлилининг ташкил этилмаганлиги каби сабаблар билан содир этилаётгани кўринади.

Бундан ташқари 2004-2005 йилларда солиқ юқини камайтириш бўйича олиб борилган солиқ сиёсатининг ижобий таъсири сифатида 2004 йилда қасддан солиқ базасини камайтириш ва объектларини яширишга оид ҳуқуқбузарликлар 2003 йилга нисбатан 3,5 фоизга, 2005 йилда эса 2003 йилга нисбатан 4,1 фоизга камайганини кўриш мумкин.

Тадиқотлар натижасида иқтисодий таҳлилнинг текширув соҳасидаги самарадорлиги мавжуд адабиётларда ёритилмагани боис, солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текширишдаги самарадорлигини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилди. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинди:

$$СТс = \text{Татлк} \times \text{Ткўкс} \times \text{Ткўд} \quad (1);$$

Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш самарадорлиги ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усулларидан бири индекс усулидан фойдаланишни тавсия қиламиз. У ҳолда омиллар таъсири қуйидагича аниқланади.

1. Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш самарадорлиги ўзгаришига таҳлил натижасида текширилиши лозим бўлган корхоналарнинг текширишдан озод бўлган қисмининг таъсири ($\Delta СТс$ татлк) қуйидагича аниқланади;

$$\Delta СТс \text{ татлк} = \frac{\text{Татлк.х} * \text{Ткўкс.р} * \text{Ткўд.р}}{\text{Татлк.р} * \text{Ткўкс.р} * \text{Ткўд.р}}; \quad (2)$$

2. Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш самарадорлиги ўзгаришига текшириладиган корхоналарнинг текширилиш ўрнига фаолият кўрсатган ўртача кунлар сони таъсири ($\Delta СТс$ ткўкс) қуйидагича аниқланади;

$$\Delta СТс \text{ ткўкс} = \frac{\text{Татлк.х} * \text{Ткўкс.х} * \text{Ткўд.р}}{\text{Татлк.х} * \text{Ткўкс.р} * \text{Ткўд.р}}; \quad (3)$$

3. Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш самарадорлиги ўзгаришига текшириладиган корхоналарнинг бир кунлик ўртача даромади ўзгаришининг таъсири ($\Delta СТс$ ткўд) қуйидагича аниқланади;

$$\Delta СТс \text{ ткўд} = \frac{\text{Татлк.х} * \text{Ткўкс.х} * \text{Ткўд.х}}{\text{Татлк.х} * \text{Ткўкс.х} * \text{Ткўд.р}}; \quad (4)$$

Барча омиллар таъсири натижанинг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Агар шундай бўлса қилинган ҳисоб-китоблар ва тавсия этилаётган усулларнинг тўғрилигидан далолат беради:

$$\Delta СТс = \Delta СТс \text{ татлк} \pm \Delta СТс \text{ ткўкс} \pm \Delta СТс \text{ ткўд}; \quad (5)$$

Ушбу формулаларга аниқ маълумотларни қўллаб, алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

**Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш
самарадорлиги ўзгаришига алоҳида омилларни индекс усули билан аниқлаш
ҳисоб-китоби**

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилида	Ҳисобот йилида	Фарқи (+,-)	Индекси
1.	Таҳлил натижасида текширилиши лозим бўлган корхоналарнинг текширишдан озод бўлган қисми, корхоналар сони	27 684	30 006	+2 322	1,0839
2.	Текшириладиган корхоналарнинг текширилиш ўрнига фаолият кўрсатган ўртача кунлар сони, кун	18	17	- 1	0,9444
3.	Текшириладиган корхоналарнинг бир кунлик ўртача даромади, минг сўм	7875,3	8 346,4	+471,1	1,0598
4.	Солиқлар таҳлилининг солиқ тўловчилар фаолиятини текшириш самарадорлиги, минг сўм	392 435,6	425 751,5	+33315,9	1,0849

Манба: Давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Солиқлар таҳлили натижасида солиқ тўловчилар фаолиятини текширишни камайтириш эвазига эришилган самарадорлик ўтган йилда 392 млн. 600 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 425 млн. 751 минг сўмни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичнинг ҳажми таҳлил қилинаётган даврда 33 млн. 316 минг сўмга ёки 108,5 % га ошган.

Корхоналар даромадларининг кўпайиши, мос равишда, давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини кўпайтирибгина қолмай, балки корхоналарнинг ҳам молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Тадбиркорларга яратилаётган қулай шарт-шароитлар ҳужалик юритувчи субъектлар сонининг ўсишига, бу эса режали текширувларнинг ҳам параллел равишда кўпайишига олиб келади. Лекин барча корхоналарда ҳужжатли текширувлар ўтказиш учун кўп ишчи кучи, вақт ва маблағ сарфи талаб этилади.

Назоратни кам харажатли ва мақбул усулини танлаш муҳим аҳамиятга эга масаладир.

Шу мақсадда, янги таҳрирдаги Солиқ Кодексида алоҳида солиқ назоратига бағишланган бўлим бўлиши зарур. Мазкур бўлим ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун 4-моддасида «камерал текширув» тартибини назорат шакли сифатида назарда тутиб, уни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бундан ташқари, Солиқ Кодексида текширув натижаларини расмийлаштириш ва текширув ҳужжатлари ҳаракатини тартибга солувчи меъёрлар ҳамда ҳозирда назорат органлари томонидан ўтказилаётган «хронометраж» ва «мониторинг»ларни ҳуқуқий мақоми, оқибати, ўтказиш тартиб ва муддатлари, даврийлиги ҳамда асослари ўз аксини топиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш биринчидан, тадбиркорлик субъектлари вақтини олувчи текширувлар сонини кескин камайтиради. Иккинчидан, солиқ назоратини ўтказиш қийматини арзонлаштириб бюджет маблағларини тежашга хизмат қилади. Учинчидан, турли қонунбузарликларни олдини олишга хизмат қилади.

Шуни эътироф этиш керакки, солиқ сиёсати, солиқнинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш билан бирга, уни амалий ва услубий жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш лозимдир. Зеро, таҳлилга доир мамлакатимиз ва хорижий олимлар адабиётларида солиқлар таҳлили деярли қараб чиқилмаган.

Фикримизча, солиқлар таҳлили молиявий ва бошқарув таҳлилининг таркибий қисми бўлмоғи лозим. Ҳозирги пайтда солиқлар таҳлили хусусида бир қанча қарашлар мавжуд. Айрим олимлар уни мустақил таҳлил сифатида қарашни тавсия қилмоқдалар. Бироқ, айрим адабиётларда солиқлар таҳлили иқтисодий таҳлилнинг таркибий қисми сифатида қаралмоқда. Лекин ушбу таҳлил мустақил бўладими ёки иқтисодий таҳлилнинг таркибида бўлишидан қатъий назар ўзининг назарий асосига эга бўлиши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқлар таҳлилининг мазмуни, мамлакатимизда ҳамда хорижий давлатларда чоп этилган солиққа ва таҳлилга оид адабиётларда ҳамон очиб берилмаган. Буларни инobatга олиб, солиқлар таҳлиliga «Солиқлар таҳлили – хўжалик юритувчи субъектларда солиқларнинг умумий ҳажмини, алоҳида турларини, тўланиш муддатлари ва ставкаларига амал қилинишини, солиқ тўланадиган объектлар билан солиштирган ҳолда солиқлар ҳажмининг ўзгариш динамикаси ва шу ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни комплекс тарзда ўрганиш» деган таъриф берилди.

Кўриниб турибдики, солиқлар таҳлили таърифи маълум даражада иқтисодий таҳлил ва молиявий таҳлилларнинг таърифидан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу эса ўз навбатида, солиқлар таҳлилининг предмети, объекти ва вазифаларининг ҳам ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан очиб беришни тақозо қилади.

Тадқиқотлар натижасида солиқлар таҳлилининг предметиға қуйидагича таъриф бериш асосланди:

«Солиқлар таҳлилининг предмети деганда - фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг (корхоналарнинг) хўжалик фаолиятида объектив (ташқи) ва субъектив (ички) омиллар таъсирида содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган солиқлар ва уларнинг объекти билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар натижаларининг маълумотлар манбаида (меъёрий ҳужжатларда, режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқаларда) ифодаланган кўрсаткичлар тизими орқали, унинг ҳолатига баҳо бериш, солиқларнинг тўғри ҳисоблангани, ўз вақтида тўлиқ тўлангани, уларнинг ҳисобланиши ва тўланишини яхшилаш йўллари ишлаб чиқишни ўрганиш тушунилади».

Ҳар қандай фаннинг объекти бўлганидек солиқ таҳлилининг ҳам объекти бўлиши лозим. Аммо иқтисодий таҳлил фанининг назариясига бағишланган энг сўнгги адабиётларда ҳам бу масала етарлича ёритилмаган.

Фикрмизча, солиқлар таҳлили икки йўналишда олиб борилмоғи лозим. Биринчидан, у бевосита корхоналарнинг ўзида, солиқ тўловчилар томонидан. Иккинчидан, солиқ идораларида солиқ йиғувчилар томонидан ўтказиладиган таҳлилдир. Бу эса ўз навбатида, мулк шаклидан қатъий назар, солиқлар таҳлилининг шу икки субъект нуқтаи назаридан бир хил методологик усулни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Аммо, объектнинг (маконнинг) ва даврнинг (замоннинг) қандай бўлишидан қатъий назар, солиқлар таҳлили предметининг моҳияти ўзгармасдан қолади, унинг объекти эса таҳлилнинг қайси маконда ўтказилишига қараб ўзгариб туриши мумкин. Шу жиҳатдан солиқлар таҳлилининг предмети, унинг объектига нисбатан мазмун ва моҳияти жиҳатидан маълум даражада бир-биридан фарқ қилади.

Тадқиқотлар натижасида: «Солиқлар таҳлилининг объекти деганда давлат, жамоа, кооператив, акциядорлик, хусусий, хорижий ва аралаш каби мулк шаклида фаолият кўрсатаётган солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг давлат билан солиққа оид иқтисодий муносабатлари мажмуаси тушунилади», деган таъриф бериш тавсия қилинди.

Бозор муносабатлари шароитида солиқларни таҳлил қилишнинг аҳамияти нечоғлиқ ошганлиги хусусида мунозара қилишга ҳожат йўқ. Шу сабабли унинг асосий вазифаларини аниқлаб олиш зарур. Солиқлар таҳлилининг асосий вазифаларига:

- солиқ объектини аниқлаш, корхоналарда солиқ тўланиши умумий ҳажмининг бажарилишини солиқ объектлари бўйича солиштириш;

• солиқ объектда солиқ базасининг миқдорини, солиқларнинг ҳар бир тури бўйича тўланишининг бажарилишини аниқлаш ва ҳисобот даврида солиқлардаги таркибий ўзгаришларни ўрганиш;

• солиқ базасидан чегириладиган харажатлар таркибини ва солиқларнинг турлари бўйича суммасининг тўғри ҳисобланганлиги ҳамда бюджетга тўлиқ ўтганлигини аниқлаш;

• солиқлар динамикасини солиқ тўланадиган объектлар билан солиштирган ҳолда аниқлаш ва улар ўртасидаги ўзгариш тенденциясига баҳо бериш;

• солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказишда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш;

• солиқ юкининг даражаси, уни ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

• давлат ва маҳаллий бюджетларга солиқ тушумини камайтирмаган ҳолда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш;

• солиқ суммаси ўзгариши сабаблари, унга таъсир этувчи омиллар ва ҳар бир омилларнинг солиқ суммаси ўзгаришларга таъсирини аниқлаш;

• солиқларни ўз вақтида тўлашга эришиш юзасидан тегишли чора-табириларни ишлаб чиқиш ва бу бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тегишли ахборотлар базасини яратишдан иборат.

Тадқиқотлар давомида солиқлар таҳлили айрим солиқ турлари мисолида ўрганилди.

Қўшилган қиймат солиғи суммасига (Сққс), энг аввало, ишлаб чиқарилиб истеъмолчиларга сотилган қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган маҳсулот миқдори (М) ва солиқ ставкаси (Ст) таъсир қилади. Бу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун куйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\text{Сққс} = \text{М} * \text{Ст}; \quad (6)$$

Ушбу боғлиқликга қайта ҳисоблаш усулини қўллаб солиқ суммасига тегишли омиллар таъсирини аниқлаш мумкин (4-жадвал).

Корхона фаолияти самарадорлигини ошиши қўшилган қиймат солиғи суммасининг кўпайишига ҳам бевосита таъсир қилар экан. Бу омилларнинг таъсирини ҳисоблаш учун уларни иктисодий мазмунни жиҳатидан куйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш тавсия этилди.

• меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар;

• асосий капиталнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар;

• айланма маблағларнинг самарадорлиги билан боғлиқ омиллар.

Меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омилларга ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони (Х), уларнинг меҳнат унумдорлиги (МУ) ва солиқ ставкаси (Ст) киради. Натижага ушбу омиллар таъсирини ҳисоблаш учун куйидаги формула тавсия қилинади.

$$\text{Сққс} = \text{Х} * \text{МУ} * \text{Ст}; \quad (7)$$

«Янги-қўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солиғининг ўзгаришига маҳсулот ҳажми ва солиқ ставкаси таъсирининг ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисоб-бот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+;-)		
					Жами	Шу жумладан	
						Маҳсулот ҳажми эвазига	Солиқ ставкаси эвазига
1.	Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган жами сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	5 300,0	5 540,0	5 540,0	+240,0	х	х
2.	Солиқ ставкаси, %	22,0	20,0	22,0	- 2,0	х	х
3.	Солиқ сўммаси, минг сўм	1 166,0	1 108,0	1 218,8	- 58,0	+52,8	- 110,8

Манба: «Янги қўрғон» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Ушбу формулага амалий маълумотларни қўллаб занжирли алмаштириш усулидан фойдаланган ҳолда солиқ суммасининг ўзгаришига таъсир қиладиган меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади (5-жадвал).

«Янги-қўрғон» акциядорлик жамиятида қўшилган қиймат солиғи суммасининг ўзгаришига меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ омиллар таъсирини ҳисоблаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисоб-бот йили	Фарқи (+;-)	Занжирли алмаштириш	
				1	2
Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони, киши	130	133	+ 3	133	133
Меҳнат унумдорлиги, минг сўм	40,77	41,66	+ 0,88	40,77	41,66
Солиқ ставкаси, %	22	20	- 2	22	22
Солиқ суммаси, минг сўм	1166,0	1108,0	+48,0	1192,9	1219,0

Манба: «Янги қўрғон» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Юридик шахслар даромади (фойдаси)дан ундириладиган солиқ таҳлилини бошқарув ва молиявий таҳлилларга бўлиб амалга ошириш мумкин. Таҳлилларни қайси бири ўтказилишини танлаб олиш учун таҳлилга унинг натижаларидан фойдаланувчилар нуқтаи-назаридан ёндошиш ва таҳлил қилинадиган солиқлар динамикасини солиқ объекти ҳамда бошқа кўрсаткичлар динамикаси билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш лозим.

Хусусан, даромад солигини мамлакат миқийёсида ялпи ички маҳсулот билан солиштириш мақсадга мувофиқ (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот, даромад (фойда) солиқларининг
1995-2005 йиллардаги динамикаси

Кўрсаткичлар	1995	2000	2001	2002	2003	2004	2005
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), млрд. сўм	302,8	3194,5	4940,5	7469,3	9664,1	12189,5	15210,4
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) динамикаси, 1995 йилга нисбатан, марта	100,0	10,5	16,3	24,6	31,9	40,2	50,2
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) динамикаси 2000 йилга нисбатан, %	x	100,0	154,7	233,8	302,5	318,6	476,1
Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи, сўм.	32,2	118,7	182,8	275,0	228,6	378,5	446,3
Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи динамикаси, 1995 йилга нисбатан, марта	100,0	3,7	57,7	8,5	7,1	11,8	13,9
Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи динамикаси, 2000 йилга нисбатан, %	x	100,0	154,0	150,4	192,6	318,9	375,9
Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи суммасининг ЯИМ га нисбатан улуши, %	10,6	3,7	3,7	3,7	3,4	3,1	2,9

Манба: ЎЗР ижтимоий иқтисодий ривожланиш якунлари тўғрисидаги маълумотлар асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўн йилда мамлакатимиз ЯИМ ҳажми 50,2 баробарга кўпайган, юридик шахслар даромади (фойдаси)дан тўланадиган солиқлар эса 13,8 баробарга ошган. Солиққа нисбатан ЯИМнинг жадаллик коэффиценти 3,62 ни ташкил қилади. 2001-2005 йилларда ЯИМ 476,1 %га ўсган бўлса, даромад (фойда) солиғи суммаси 375,9 %га ўсган. Бироқ, масалани янада ойдинлаштириш учун юридик шахслар тўлайдиган даромад

(фойда) солиғи суммасининг ЯИМ га нисбатан улушини аниқладик. Унинг улуши 1995 йилда 10,6 % бўлган бўлса, 2005 йилда 2,9 %ни ташкил қилмоқда. Кўриниб турибдики, мазкур солиқнинг ЯИМдаги ҳиссаси кескин камайиш тенденциясига эга.

Солиқларнинг омилли таҳлилини амалга ошириш учун аввало, унга таъсир қилувчи омиллارни аниқлаш ва таснифлаш зарур. Юридик шахслар даромадидан олинадиган солиқ суммасига (Сд) бир қанча омиллар таъсир қилади. Бундай омиллар асосийлари таркибига, энг аввало, даромаднинг солиқ тўланадиган қисми (Ддс) ва солиқ ставкасини (Сдст) киритиш мумкин. Натижа ва бу омиллар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Сд = Ддс * Сдст ; \quad (8)$$

Ушбу формуладаги омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлашда амалий маълумотларни қўллаб қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади (7-жадвал).

7-жадвал

«Янги-қўрғон» акциядорлик жамиятида даромад солиғи ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини фарқли усул билан аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисобот йилида	Жами	Фарқи (+;-)	
				даромад ўзгариши эвазига	солиқ ставкаси ўзгариши эвазига
Солиққа тортиладиган даромад, минг сўм	1374,0	1611,0	+237,0	47,4	x
Солиқ ставкаси, %	20	18	-2	X	322,2 - 289,9 = - 32,3 минг сўм
Солиқ суммаси, минг сўм (1қ x 2қ / 100)	274,8	289,9	+15,1	+47,4	- 32,3

Манба: «Янги қўрғон» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Демак юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи суммаси ҳисобот даврида солиққа тортиладиган даромаднинг кўпайиши ва солиқ ставкасининг ўзгарганлиги сабабли ўтган йилга нисбатан 15,1 минг сўмга кўпайган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, солиқ ставкаси ҳисобот йилида 2 %га камайган. Бунинг эвазига солиқ суммаси ҳам анча камайган. Аммо солиқ объектининг кўпайиши эвазига умумий солиқ суммаси ошган. Бундай ҳолатдан корхона ҳам, давлат ҳам манфаатдор.

Тадқиқотлар натижасида даромад солиғи миқдорига омиллар таъсирини амалий маълумотлар асосида ўрганиш макро ва микро иқтисодий таҳлиллар ёрдамида бюджетга тўланадиган солиқлар миқдорини кўпайтиришнинг ички имкониятларини топиш мумкин эканлиги асосланди.

Ушбу тавсияларни амалда қўллаш натижасида солиқларни тўғри ҳисоблаш, солиқ қонунчилиги ижросини назорат қилиш, солиқлар тушумини рожалантириш ва бюджетнинг даромад қисмига тушумларни кўпайтириш йўллари аниқлаш ҳамда корхона молиявий барқарорлигини мусотаҳкамлаш чора-тадбирларини белгилаш имкониятлари пайдо бўлади.

Маълумки, мол-мулк солиғининг объекти юридик ва жисмоний шахслар тассаруфидаги солиқ солинадиган мол-мулк қиймати ҳисобланади. Шу сабабли мол-мулк солиғига таъсир этувчи омиллар бўлиб, биринчи ўринда:

- солиқ солинадиган мол-мулк қиймати (Ммс);
- мол-мулк учун олинадиган солиқ ставкалари ҳисобланади (Ст);

Демак натижа яъни, ҳисобланадиган мол-мулк солиғи суммасига (Смм) тўғридан-тўғри таъсир этувчи юқоридаги омиллар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

$$Смм = Ммс * Ст \quad (9)$$

Буни қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлайдиган бўлсак олдин натижани яъни, солиқ суммасининг қайта ҳисобланган ҳажминини аниқлаб олиш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$Смм.қҳ = Ммс.қ * Ст.р \quad (10)$$

Ушбу формулалар ёрдамида натижага алоҳида омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин.

Мол-мулк солиғи суммасига алоҳида омиллар таъсирини қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлаш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади (8-жадвал).

Мол-мулк солиғи суммаси таҳлил қилинаётган объектда ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан 7,8 млн. сўмга кўпайган. Бу миқдор ушбу жадвалда келтирилган икки омил эвазига содир бўлган.

Биринчи омил - солиққа тортиладиган мулкнинг қиймати 146,7 млн. сўмга кўпайиши солиқ суммасини 4,4 млн. сўмга кўпайтирган.

Иккинчи омил - таҳлил қилинаётган даврда солиқ ставкаси ҳам ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизга ошгани эвазига солиқ суммаси 3,4 минг сўмга ошган. Икки омил таъсири солиқ суммасининг умумий ўзгаришига тенг.

$$4,4 + 3,4 = +7,8 \text{ млн. сўм}$$

Таҳлиллар мол-мулк солиғи суммаси (У) ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилишини кўрсатди. Буларга мол-мулкнинг умумий суммаси (X₁), солиққа тортиладиган мол - мулкнинг умумий қийматдаги ҳиссаси (X₂) ва ушбу солиқ бўйича белгиланган ставка (X₃) киради. Булар ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

«Янги-қўрғон» акциядорлик жамиятида мол-мулк солиғи суммасининг ўзгаришига алоҳида омиллар таъсирини қайта ҳисоблаш йўли билан аниқлаш

Кўрсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Қайта ҳисобланган	Фарқ (+,-)		
				Жами (+)	Мол-мулк суммаси эвазига	Солиқ ставкаси эвазига
Солиққа тортиладиган мол-мулк қиймати, млн. сўм	405,7	552,4	552,4	+146,7	х	х
Солиқ ставкаси, %	3	3,5	3	+0,5	х	х
Солиқ суммаси, млн. сўм	12,2	19,9	16,6	+7,8	+4,4	+3,4

Манба: «Янги қўрғон» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

$$Y = \sum_{i=1}^3 X_i = X_1 * X_2 * X_3 ; \quad (11)$$

Ушбу формулага иқтисодий таҳлилнинг бир канча усулларини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин бўлади.

Ер солиғи миқдорига таъсир этувчи омилларни таснифлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ҳам бугунги кунда иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифалардан биридир. Мазкур солиқнинг объекти юридик ва жисмоний шахслар тассаруфидаги солиқ солинадиган (улар мулкда, эғалигида ёки фойдаланишидаги) ер участкалари ҳисобланишини инobatга олиб, ер солиғига таъсир этувчи асосий омиллар солиқ солинадиган ер участкаси миқдори ($E_{га}$), ер солиғи ставкаси ($С_{т}$), ер солиғи бўйича тузатиш коэффиценти ($К_{т}$)дир.

Ер солиғи суммаси ўзгаришига ($С_{ер}$) тўғридан-тўғри таъсир этувчи юқоридаги омиллар ўртасидаги боғлиқликни куйидаги формула ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$С_{ер} = E_{га} * C_{т} * K_{т}; \quad (12)$$

Ушбу солиқ миқдорига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун занжирли алмаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун солиқ суммасини омиллар ўзгариши бўйича ҳисоблаб олиш зарур. Натижага биринчи омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун биринчи омил ўзгариши билан қайта ҳисобланган ер солиғи суммасини аниқлаш лозим. Бунинг учун куйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз:

$$С_{ер.кх} = E_{га.х} * C_{т.р} * K_{т.р} \quad (13)$$

Тадқиқотлар натижасида тавсия этилаётган назарий ишланмаларни аниқ маълумотлар асосида амалиётга қўллаб, ер солиғи миқдорига алоҳида омиллар

таъсирини аниқлаш учун куйидаги жадвалдан фойдаланиш тавсия қилинади (9-жадвал).

9-жадвал

«Янги-қўрғон» акциядорлик жамиятида ер солиғи миқдorigа алоҳида омиллар таъсирини аниқлаш ҳисоб-китоби

Курсаткичлар	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Занжирли алмаштиришлар		
			I	II	III
Солиққа тортиладиган ер майдони (га)	10	15	15	15	15
Солиқ ставкаси (1 га минг сўмда)	250,1	300,1	250,1	300,1	300,1
Тузатиш коэффициенти	1,30	1,30	1,30	1,30	1,30
Солиқ суммаси, минг сўм	3251,1	5851,9	4876,5	5851,9	5851,9

Манба: «Янги қўрғон» акциядорлик жамияти маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Ер солиғи миқдори (У) ўзгаришига ер участкасининг умумий миқдори (X_1), солиққа тортиладиган ер майдонининг ҳиссаси (X_2), солиқ ставкаси (X_3) ва солиқ ставкасининг тузатиш коэффициентлари (X_4) ҳам таъсир қилади. Булар ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги формулада ўз аксини топади:

$$Y = \sum_{i=1}^n X_1 * X_2 * X_3 * X_4 ; \quad (14)$$

Ушбу формулага индекс усулини қўллаб натижага омиллар таъсирини ҳисоблаш мумкин. Тавсия этилаётган усуллар ёрдамида солиқ суммасига омиллар таъсирини аниқлаб, корхона фаолиятига салбий таъсир қилмаган ҳолда солиқ миқдорини кўпайтириш йўллари белгилаб олиш мумкин бўлади.

Мамлакат солиқ сиёсатининг самарали эканлигида солиқ юкининг даражаси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, солиқ юки мамлакат иқтисодий қудратига, аҳолининг ижтимоий аҳволига, корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига бевосита боғлиқдир. Улар бир-бирига ўзаро таъсир қилувчи омиллардир. Шунинг учун солиқ юкини таҳлил қилганда солиқларга фақат давлат ёки солиқ тўловчилар нуқтаи-назаридан қараб бўлмайди. Уларга ҳар қандай вазиятда агрофлича ва тизимли ёндошмоқ лозим.

Солиқ юкини назарий жиҳатдан таҳлил қилганда унга иқтисодиётнинг макро ва микро даражаси нуқтаи назаридан қараш лозимдир. Макро даражада солиқ юкига ушбу соҳанинг етакчи олимларидан бири Т.Маликовнинг фикри етарли даражада асосланганлиги боис ушбу соҳага тўхталмадик.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкининг оптималлиги мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг барометри ҳисобланади. Солиқ юкини

аниклашда ҳар бир давлатнинг олиб бораётган иқтисодий аҳволи ва шу мамлакатнинг солиқ сиёсатидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, ҳозирги пайтда солиққа тортиш назарияси ва солиқни режалаштириш амалиётида хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш, дунё миқёсида, энг муҳим ҳамда баҳсли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур масалани таҳлил қилганда уни ҳам давлат, ҳам солиқ тўловчилар манфаатлари нуқтаи назаридан қараб, ушбу субъектларнинг манфаатларини мувофиқлаштирувчи ҳолатга олиб келишга ҳаракат қилинмоғи лозим.

Мамлакатимиз ва хорижлик олимларнинг солиқ юки тўғрисида бир қатор қарашлари мавжуд.

Хусусан, ғарб олимларидан С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензилар солиқ юкини солиқ тўловчилар билан бирга шу маҳсулотни истеъмол қилувчиларга ҳам тушади, деб таъкидлайди.

А.Н.Азрилян раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси солиқ юкига даромаднинг иқтисодий чегараланган қисми деб қараган. Лекин солиқлар демократик мажбурий тўлов бўлиб, солиқ тўловчилар маълум даражада иш натижасида олинган даромаднинг бир қисмини бюджетга тўлайдилар. Шу жиҳатдан солиқларни «иқтисодий чегаралаш даражаси», деб бўлмайди.

Ҳар қандай солиқ юки привордида маҳсулотни истеъмол қилувчиларга келиб тушади. Бизнинг фикримизча солиқ юкини, бу ерда бевосита, солиқ тўловчилар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқдир.

Баёён этилганлардан келиб чиқиб, «Солиқ юки - хўжалик юритувчи субъект ёки фуқароларнинг давлат, маҳаллий бюджет ҳамда турли жамғармаларга қатъий белгиланган ставкада ва тартибда тўлайдиган барча солиқлар ҳамда тўловлар йиғиндисининг тўловчилар иш ҳажмига, даромадига ёки бошқа солиқ объектига нисбати» деган тариф берилди.

Солиқ юкини ҳисоблаш бўйича олимларимиз Т.Маликов, Т.Тошмуродов, Қ.Яҳёев, амалиётчилардан Ш.К.Гатаулин, Д.И.Шаулов ва У.Т.Канларнинг қарашлари мавжуд. Солиқ юкини ҳисоблашда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланган солиқлар миқдорини таққослаш учун иқтисодий адабиётларда турли кўрсаткичлар қўлланилади.

Улардан бири корхона даромадидир. Даромад хорижий давлатлар корхоналарида ҳам, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳам, солиқларни тўлашнинг ягона манбаи ҳисобланмайди. Иккинчидан, бу кўрсаткичдан фойдаланилса солиқ юки даражаси 100 фоиздан ошиб кетиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари солиқ юкини ҳисоблашда айрим адабиётларда қўшилган қиймат кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш тавсия қилинади. Бир қараганда ушбу кўрсаткич энг мақбул кўрсаткичга ўхшайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, қатор солиқлар, хусусан, мол-мулк солиғи – кенг қўламли солиқ базасига эга. Ушбу кўрсаткични ва у билан боғлиқ солиқ миқдорини қўшилган қийматга киритиб бўлмайди.

Солиқ юкини ҳисоблаш учун В.Г.Пансков каби қатор россиялик олимлар бундай кўрсаткич сифатида сотилган маҳсулот миқдори ҳамда бошқа сотишдан тушган тушумлардан фойдаланишни таклиф этади.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ тўловчининг қайси тур солиқ тўловчи эканлигини белгилаб олиш муҳимдир. Мамлакатимиздаги солиққа тортиш амалиётидан келиб чикиб, хўжалик юритувчи субъектларга тўғри келадиган солиқ юкини ҳисоблаш учун солиқ тўловчиларни: умумбелгиланган тартибдаги солиқ тўловчилар, ялпи даромаддан солиқ тўловчилар, ягона ер солиғи тўловчилар, соддалаштирилган солиқ тизимига ўтган солиқ тўловчиларга бўлиш тавсия этилади.

Тадқиқотлар натижасида, солиқ юкини аниқлаш учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум, маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси ва ҳисобот даврининг соф фойдасига нисбати кўрсаткичларидан фойдаланиш заурур, деган хулосага келинди.

1. Солиқ юкининг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан миқдорини қуйидаги формула орқали ифодаланиши тавсия қиламиз:

$$\text{Сю. ст.} = (C + MT) / \text{Ст}; \quad (15)$$

2. Солиқ юкининг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдасига нисбатан миқдорини аниқлаш учун ушбу формуладан фойдаланилади:

$$\text{Сю.яф.} = (C + MT) / \text{Яф}; \quad (16)$$

3. Солиқ юкининг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишнинг соф фойдасига нисбатан миқдори қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю.сф.} = (C + MT) / \text{Сф}; \quad (17)$$

4. Ягона солиқ тўловчилар учун солиқ юки қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\text{Сю. ст.} = \text{Яст} / \text{Ст}; \quad (18)$$

5. Солиқ юкини маҳсулот (товар,иш,хизмат)лар сотишнинг ялпи фойдасига нисбатини аниқлашда қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\text{Сю.яф.} = \text{Яст} / \text{Яф}; \quad (19)$$

6. Солиқ юкининг маҳсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишдан олинадиган соф фойдасига нисбатан миқдори қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю.сф.} = \text{Яст} / \text{Сф}; \quad (20)$$

Солиқни умумий тартибда тўлайдиган корхоналар учун солиқ юки маҳсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишдан соф тушумга нисбатан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Сю. ст.} = \frac{Aс+Dс + Mмс + Эс + Итрс + Нфа + Йфа + Mфа+Kқс}{\text{Ст}}; \quad (21)$$

Солиқ юки маҳсулот (товар,иш,хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдасига нисбатан:

$$\text{Сю.яф.} = \frac{\text{Ас} + \text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Эс} + \text{Итрс} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Мфа} + \text{Кқс}}{\text{Яф}}; \quad (22)$$

Солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишининг соф фойдасига нисбатан:

$$\text{Сю.сф.} = \frac{\text{Ас} + \text{Дс} + \text{Ммс} + \text{Эс} + \text{Итрс} + \text{Нфа} + \text{Йфа} + \text{Мфа} + \text{Кқс}}{\text{Сф}}; \quad (23)$$

формулалар ёрдамида аниқлаш тавсия этилади.

Корхоналарга тўғри келадиган солиқ юки Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган 6 та корхона мисолида таҳлил қилинди (10-жадвал).

10-жадвал

Ягона солиқ тўлаш тартиби бўйича тўлайдиган 3 та фирмаларда солиқ юкини аниқлашнинг ҳисоб-китоби ва қиёсий таҳлили

№	Солиқ тўланадиган кўрсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		«Шохруҳ»	«Бобур»	«Умар»
1	Ягона солиқ тўлови (Яст), минг сўм	44 787,5	33 758,0	46 719,7
2	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	306 453,9	226 451,4	308 501,6
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	14,61	14,91	15,14
3	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	246 532,4	158 354,6	231 365,2
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	18,17	21,32	20,19
4	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф фойда, минг сўм	24 546,4	18392,7	32 744,8
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	182,6	183,5	142,7
5	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум, минг сўм	389 456,2	293 546,9	406 257,5
	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	11,5	11,5	11,5

Мавба: «Шохруҳ», «Бобур», «Умар» фирмалари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Мазкур корхоналарда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум бўйича мос равишда 18,17; 21,32; 20,19 % ни

ташкил қилади. Бу ерда ҳам шу қонуният исботланмоқдаки, бир хил солиқ ставкаси билан солиқ объекти юкори бўлган фирмада давлат бюджетига тўланадиган солиқ сўммаси ҳам кўп бўлади.

Таҳлил қилинаётган объектларда солиқ юки маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни тўлайдиган барча хўжалик юритувчи субъектларда солиқ юки, яъни барча солиқлар ва мажбурий тўловларнинг яъни тушумдаги улуши 11,5 % ни ташкил қилмоқда. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан солиқ юки таҳлил қилинаётган объектларда ўзгариб боради. Унинг миқдори «Шоҳруҳ» фирмасида 14,61 %ни ташкил қилса, «Бобур» фирмасида 14,91 %ни «Умар» фирмасида 15,14 %ни ташкил қилади. Бу ерда учта солиқ ва мажбурий тўловлар бир хил миқорда (ставкада) бир хил объектидан ҳисобланмоқда, аммо уларнинг маҳсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушумга нисбатан даражаси турлича. Бунга сабаб, ҳисобланган солиқ сўммаси «Умар» фирмасида солиқ объектининг бошқа фирмаларга нисбатан кўплиги туфайли кўп бўлган. Бундан кўришиб турибдики, солиқ объекти қанча кўп бўлса, бир хил солиқ ставкаси билан давлат бюджетига кўпроқ тушумни таъминлаш мумкин.

Демак фирмаларнинг маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган яъни фойдаси (даромади) қанча кўп бўлса, солиқ сўммаси ҳам, мос равишда, шунча кўп бўлар экан.

Умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдиган корхоналарга тўғри келадиган солиқ юки ҳам турличадир (11-жадвал).

Таҳлил жараёнида солиқ юкини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун битта кўрсаткич билан чекланиб қолмасдан, кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланди.

Солиқ юки сотишдан олинган соф тушумнинг миқдорига боғлиқ. Чунки солиқ солинадиган объектларнинг кўп қисми айнан шу кўрсаткичнинг миқдори билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу туфайли солиқ юкининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумнинг миқдорини олиш мақсадга мувофиқдир. У ҳолда солиқ юкига таъсир қилувчи омиллар билан боғлиқ кўрсаткични қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз.

$$\text{Сю} = \text{Сс} / \text{Мст}; \quad (24)$$

Ушбу формулага асосан солиқ юкининг ўзгаришига ($\Delta\text{Сю}$) иккита омил, солиқ суммасининг ўзгариши (Сс) ва маҳсулотни сотишдан тушган соф гушим (Мст) таъсир этади. Формуладан фойдаланиб солиқ юкининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаймиз.

1. Солиқ юкининг солиқ суммаси эвазига ўзгарганлигини аниқлаш учун қайта ҳисобланган солиқ суммасидан ($\text{Сс.х} / \text{Мст.р}$) режадаги солиқ юкини (Сю.р) айириш кифоя:

$$\Delta\text{Сю.сс} = (\text{Сс.х} / \text{Мст.р}) - (\text{Сс.р} / \text{Мст.р}); \quad (25)$$

**Умумбелгиланган тартибда солиқ тўлайдиган фирмаларда солиқ юкини
аниқлашнинг ҳисоб-китоби ва қиссий таҳлили**

Т/р	Солиқ тўланадиган кўрсаткичлар	Фирмаларнинг номи		
		«Тоҳир»	«Азиз»	«Ахмад»
1	Даромад (фойда) солиғи (Дс), солиқ тўлангунга қадарги фойдадан млн.сўм	1880,6	3220,6	546,8
2	Мол-мулк солиғи (Ммс), мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматидан, минг сўм	342,5	547,9	995,8
3	Экология солиғи (Эс), таннархдан минг сўм	221,5	348,9	613,3
4	Инфратузилмани ривожлантириш солиғи (Итрс), соф фойдага нисбатан, минг сўм	25,2	43,1	73,0
5	Нафақа фондига ажратма (Нфа) ялпи тушумга нисбатан, минг сўм	1 216,4	2 319,3	3 985,8
6	Йўл (Йфа) ва мактаб (Мфа) фондига ажратма, ялпи тушумга нисбатан, минг сўм	4865,6	9277,2	15943,0
7	Қўшилган қиймат солиғи (Ққс), ялпи тушумга нисбатан млн.сўм	48,6	92,8	159,5
8	Ж А М И (млн.сўм)	57,2	108,6	186,6
9	Солиқ тўлангунга қадарги фойда, минг сўм	608,4	1 040,6	1763,9
10	Таннарх, млн. сўм	22,2	34,9	61,3
11	Мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати, млн. сўм	85,6	136,9	248,9
12	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум, млн. сўм	221,8	386,6	664,3
13	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	25,79	28,08	28,08
14	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда, млн. сўм	200,4	351,7	601,9
15	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	28,55	30,86	30,11
16	Маҳсулот (товар, иш,хизмат)ларни сотишдан олинадиган соф фойда, минг сўм	419,8	718,0	1217,1
17	Кўрсаткичга нисбатан солиқ юки. марта	136,3	151,2	153,3
18	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи тушум, млн. сўм	243,3	463,9	797,2
19	Шу кўрсаткичга нисбатан солиқ юки, %	23,52	23,40	23,40

Манба: «Тоҳир», «Азиз», «Ахмад» фирмалари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

2. Солиқ юкининг ўзгаришига маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум таъсирини аниқлаш учун солиқ юкининг ҳақиқий миқдоридан (Сю. х) қайта ҳисобланган солиқ юки суммасини (Сс. х / Мст. р) айириш кифоя:

$$\Delta \text{Сю.мст} = (\text{Сс.х} / \text{Мст.х}) - (\text{Сс.х}/\text{Мст.р}); \quad (26)$$

Одатдагидек, барча омиллар таъсири натижа ўзгаришининг умумий ҳажмига тенг бўлиши лозим. Бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta \text{Сю} = \Delta \text{Сю. Сс} \pm \Delta \text{Сю. Мст}; \quad (27)$$

Ушбу усулни амалиётда фойдаланиш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия этилади (12-жадвал).

12-жадвал

Солиқ юки ўзгаришига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини
«Ахмад» фирмасидаги ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	Ўтган йилда	Ҳисоб-бот йилида	Қайта ҳисобланган	Фарқи (+,-)	Шу жумладан	
						Сс эвазига	Мст эвазига
1	Солиқ суммаси, млн. сўм	164, 4	186, 5	186, 5	+22,2	х	х
2	Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум, млн. сўм	576, 8	664, 3	576, 8	+87,5	х	х
3	Солиқ юки, %	28,5	28,08	32,34	- 0,42	+3,84	- 4,26

Манба: «Ахмад» фирмалари маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан ҳисобланган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, солиқ юки ҳисобот йилида таҳлил қилинаётган фирмада солиқ сўммасининг 22,2 минг сўмга кўпайиши эвазига 3,84 % бандга ошган (32,34-28,5), лекин маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумнинг шу даврида 87 490,7 минг сўмга ошганлиги солиқ юкини 4,26 % бандга камайтирган (28,08-32,39). Натижада ҳисобот йилида фирмага тўғри келадиган солиқ юки 0,42 % га камайган (3,84-4,26).

Таҳлиллар корхоналарнинг маҳсулотни сотишдан келадиган соф тушумининг кўпайиши нафақат шу корхона ёки фирма учун, балки давлат ва жамият учун ҳам катта манфаат беришини исботламоқда.

III. ХУЛОСА

Диссертация ишини бажариш натижасида хўжалик юритувчи субъектларда солиқларнинг молиявий ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлилини ташкил этиш, уни амалга оширишнинг назарий, услубий ҳамда амалий асосларини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди ва назарий, услубий, илмий-амалий аҳамиятга молик тақлифлар ишлаб чиқилди.

1. Тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг назарий ҳамда методологик асослари яхлит ҳолда тадқиқ қилинмаганлиги, ушбу муаммоларнинг иқтисодий адабиётларда кам ёритилганлиги, натижада кўплаб солиқ турлари миқдорини кўпайтиришнинг ички имкониятларини аниқлаш йўллари очилмай қолаётганлиги аниқланди.

2. Мамлакатда солиқ юқини оптимallasштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг ижобий натижалар берганини инобатга олиб, солиқ сиёсатини такомилallasштиришни давом эттириш, бунда йўл, мактаб жамғармаларига ажратма миқдори, қўшилган қиймат ва даромад солиғи объектларини солиқнинг рағбатлантирувчи функцияси асосида қайта кўриб чиқишга эътибор қаратиш лозимлиги асосланиб, бу борада тегишли тақлифлар берилди.

3. Солиқлар ҳисобини ташкил этиш солиқ объектлари ҳисобини юритиш ва солиқ бўйича ҳисоботларни тузишни содалallasштириш назарий жиҳатдан асосланиб, қўшилган қиймат, юридик шахслар даромад (фойда), ер ҳамда мол-мулк солиқларнинг молиявий ҳисобини юритишни такомилallasштиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилди.

4. Қўшилган қиймат, юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда), ер ва мол-мулк солиқлари ҳисоботларини такомилallasштириш бўйича тақлифлар берилди.

5. Ер солиғи объекти сифатида ерни бухгалтерияда ҳисобга олиш учун ернинг қийматини аниқлаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича бухгалтерия ёзувлари тавсия этилди.

6. Солиққа тортиладиган мол-мулк ўртача қийматини аниқлаш методологиясини такомилallasштириш йўллари ишлаб чиқилди.

7. Солиқ назоратини ташкил этиш ва уни натижаларини расмийallasштиришни такомилallasштириш мақсадида, солиқ аудити стандартлари ишлаб чиқиш зарурлиги асосланди ва мазкур меъёрий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб амалиётга тавсия қилинди.

8. Солиқларнинг бозор муносабатлари шароитида катта аҳамиятга эгаллигига қарамасдан уларни таҳлил қилиш усуллари таҳлилга ва солиққа оид адабиётларда ҳамон етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда уни таҳлил қилишнинг зарурлиги, корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига салбий таъсир қилмасдан солиқни кўпайтиришнинг ички имкониятлари мавжудлиги назарий жиҳатдан асосланди.

9. Корхоналар тўлайдиган қўшилган қиймат солиғини таҳлил қилиш усуллари таҳлилга оид адабиётларда етарли даражада ёритилмаганлигини

инобатга олиб, ушбу солиқни таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Ҳар бир гуруҳ омилларнинг моҳиятлилиқ коэффициентини инобатга олган ҳолда омилли таҳлил усулларини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилди.

10. Даромадни (фойдани) кўпайтиришдан корхона ҳам, давлат ҳам манфаатдорлигини инобатга олиб, корхоналар тўлайдиган даромад (фойда) солиғини таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Мазкур солиқ суммасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг таъсирини ҳисоблаш йўллари тавсия қилинди.

11. Мол-мулк солиғига таъсир қилувчи мол-мулкнинг умумий суммаси, солиққа тортиладиган мол-мулкнинг умумий қиймати ва солиқ ставкасининг таъсирини аниқлаш йўллари тавсия этилди.

12. Ер солиғини таҳлил қилиш усуллари ҳам таҳлилга оид адабиётларда кам ёритилганлиги сабабли, ер солиғини таҳлил қилиш усуллари, солиқ ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари таҳлилнинг анъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди.

13. Мамлакатимизда солиқ юки ва у билан боғлиқ кўрсаткичлар, уларни аниқлаш, таҳлил қилиш йўллари, солиқ юкига таъсир қилувчи омиллар ҳамда уларни ҳисоблашнинг услубий асослари ишлаб чиқилди.

14. Солиқ юкига берилган таърифлар ўрганилиб, унинг янги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди.

15. Солиқ юкини ифодалаш ва таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топилиб, ушбу кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга қўллаш учун тавсия қилинди.

16. Солиқ юкига таъсир этувчи омиллар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилиб, амалиётга тавсия этилди.

17. Солиқ қонунчилиги нормаларида мавжуд номувофиқликларни бартараф этиш мақсадида, меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланиб, тегишли органларга таклифлар киритилди.

Тадқиқотлар натижасида қилинган хулосалар ва уларни ечими бўйича берилган таклифларни амалиётда қўллаш бюджетга тушумларнинг кўпайишига, мамлакат иқтисодиётини соғломлаштириш ҳамда қонунчиликда мавжуд камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

IV. Эълон қилинган ишлар рўйхати

4.1 Монография, дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий журналлардаги мақолалар:

1. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг счимлари. Монография. - Т.: «Ўзбекистон», 2006. – 272 б.
2. Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Монография. - Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2003. – 256 б.
3. Худойбердиев У., Исроилов Б.И., Худойбердиев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик - Т.: «Ўзбекистон», 2003. – 112 б.
4. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Альбом –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. – 368 б.
5. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма.–Т.: Меҳнат, 2004. – 472 б.
6. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Юридик шахслар тўлайдиган даромад (фойда) солиғи таҳлили. Услубий қўлланма,-Т.:Ўз.Р.ДСҚ РАММ, 2000. -16 б.
7. Қурбонов З.Н., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби, Ўқув қўлланма, -Т.: Ўз.Р. ДСҚ РАММ, 2001. – 64 б.
8. Қурбонов З.Н., Исроилов Б.И. Корхоналарда солиқларнинг бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма, -Т.: Ўз.Р. ДСҚ РАММ, 2002. – 62 б.
9. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил.-1-қисм, Ўқув қўлланма, -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. – 176 б.
10. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил.-2-қисм, Ўқув қўлланма, -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002. – 256 бет.
11. Худойбердиев У., Исроилов Б.И., Худойбердиев Н. «21-БҲМС». Қўлланма ўзбек тилидаги нашри,-Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002-320 б.
12. Исроилов Б.И. Мол-мулкни солиққа тортиш, солиқ ҳисоби ва уни таҳлил қилиш йўллари. Ўқув қўлланма,-Т.Ўз.Р.ДСҚСолиқ академияси, 2005-48 б.
13. Исроилов Б.И. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методологияси. Ўқув қўлланма, -Т.: Ўз.Р.ДСҚ Солиқ академияси, 2005.- 54 б.
14. Исроилов Б.И. Солиқ тизими кеча, бугун. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 1999. № 7.-Б.34-35.
15. Исроилов Б.И. Акциядорлик жамияти - тараққиёт омили. // «Ҳаёт ва Қонун», - 1998. № 5. –Б.
16. Исроилов Б.И., Ҳайдаров Ф. Солиқ маданиятини ошириш. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 1999. №8. – Б. 24-26.
17. Ш.Ҳайдаров, Исроилов Б.И. Ҳиссадорлик жамиятларида харажатлар самарадорлиги. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси»- 1999. № 9.31-32 б.
18. Исроилов Б.И. Даромад солиғи ҳам корхонага, ҳам бюджетга фойдали бўлсин. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 2000. № 10. –Б. 16-18.

19. Исроилов Б.И., Исроилов О.И. Тўловларнинг тўлиқ ундирилиши. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 2001. № 4,5. –Б. 12-13.
20. Қурбонов З.Н., Исроилов Б.И. Аудиторлик текшируви ва жавобгарлик. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси»- 2002. № 3. – Б. 25-26.
21. Исроилов Б.И., Иброҳимов Қ. Солиқ ҳуқуқбузарлик турлари. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 2002. № 12. –Б. 48.
22. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. «Факторный анализ результатов деятельности предприятий». // «Экономический вестник Узбекистана» - 2002. № 10-11.- Стр.-26-28.
23. Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Даромадларни декларациялаш бўйича мулоҳаза ва таклифлар. // «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» - 2002. № 12. – Б.52-53.
24. Исроилов Б.И., Қурбонов З.Н. Аниқлашни осонлаштирадиган усул. // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2002. № 9. –Б. 27-28.
25. Қурбонов З.Н., Исроилов Б.И. Мехнат ҳақидан олинadиган даромад солигининг бухгалтерия ҳисоби. // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2002. № 12. –Б. 44-45.
26. Исроилов Б.И., Иброҳимов Қ. Молиявий ҳуқуқбузарликлар ёхуд хўжалик юритувчи субъектларда давлат назоратини такомиллаштириш. // «Ҳаёт ва Қонун» - 2002. № 3.- Б. 32.
27. Исроилов Б.И. Мол-мулк солигини кўпайтириш йўллари. // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2003. № 6.-Б. 23-25.
28. Исроилов Б.И. Мол-мулк солиғи: унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. // «Ҳаёт ва Қонун»- 2004. №1.-Б. 75-76.
29. Исроилов Б.И. Назорат ва таҳлил: // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2004. № 3.- Б. 36-38.
30. Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил омиллари, улар ҳақида батафсил маълумотга эгаизми? // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2005. № 6.-Б. 45-48.
31. Исроилов Б.И. Тушинтиришга муҳтож тушинтиришлар. // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2005. № 7.-Б. 39-40.
32. Исроилов Б.И. Қўшилган қиймат солиғи ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. // «Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ахборотномаси» - 2005. № 5. –Б. 40-42.
33. Исроилов Б.И. Таърифда таъриф бор. У солиқ сисъатининг мазмун моҳиятига жавоб берсин. // «Солиқ тўловчининг журналі»-2005. № 11.Б. 54-55.
34. Исроилов Б.И. Об обеспечении корректности исследований налогообложения в условиях переходной экономики. // Москва, Россия «Проблемы экономики» - 2005. № 6. стр. 124-126.
35. Исроилов Б.И. Рационализация налогового бремени для субъектов малого предпринимательства. // Москва, Россия «Проблемы экономики»-2005. № 6, стр.127-129.
36. Ишон, аммо текширишни унутма. // «Солиқ тўловчининг журналі» - 2006. № 5.-Б.46-47.

37. Тўғри белгилаш, тўлиқ амал қилиш. // «Солиқ тўловчининг журнали» - 2006. №7.-Б.49-50.

4.2 Илмий тўпламларда чоп этилган мақолалар, тезислар.

1. Исроилов Б.И. Қўшма корхоналарга берилган солиқ имтиёзларининг улар молиявий ҳолатига таъсири // Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия тизимини институционал ривожланиш жараёнида халқаро тажрибадан фойдаланиш: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп.25-26 май 2002. Тошкент, 2002. 47-6.

2. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И, Мухаммадиев М. Кичик корхоналарда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш // Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. Самарқанд, 2002. 70- 6.

3. Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Жисмоний шахслар даромадларини декларациялаш // Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кучайтириш: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 3 июн 2003. Тошкент, 2003. 290- 6.

4. Исроилов Б.И. Мол-мулк солигини таҳлил қилиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш муаммолари ва унинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини кучайтириш: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 3 июн 2003. Тошкент, 2003. 284- 6.

5. Исроилов Б.И. Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш йўллари // Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ўсишини таъминлашда молия-кредит механизмлари самарадорлигини ошириш муаммолари: Рес.илм. амал. Анж. маъруза тезис.тўп. 25 май 2004. Тошкент, 2004. 474-6.

6. Исроилов Б.И. Ер солиғига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш // «Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 24-25 ноябр 2004. Тошкент, 2004. 39-6.

7. Исроилов Б.И. Солиқларнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти // «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 27-28 май 2005. Тошкент, 2005. 26 - 6.

8. Исроилов Б.И. Бозор муносабатлари шароитида солиқлар ҳисобининг гашкил этишининг зарурияти // «Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 27-28 май 2005. Тошкент, 2005. 216-6.

9. Исроилов Б.И. Види и задачи налогового аудита // Социально-эконом. проблемы переходной экономики: Тез. докл. респ. науч. конф. 3-4 июня 2005. С.-Петербург, 2005. стр.-107.

10. Исроилов Б.И. Необходимости и пути совершенствования налогового аудита в Узбекистане // Социально-эконом. проблемы переходной экономики: Тез. докл. респ. науч. конф. 3-4 июня 2005. С.-Петербург, 2005. стр. -148.

11. Исроилов Б.И. Кичик бизнес субъектларида ялли тушум ва ялли даромадни ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикаси Банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари: Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 15 июн 2005. Тошкент, 2005. 387- б.

12. Исроилов Б.И. Оптимизация налогового бремени для субъектов малого бизнеса в Республики Узбекистан // IX Международные плехановские чтения: Тез. докл. респ. науч. конф. 2 февраля 2006. С.Петербург, 2006. стр.-241.

13. Джуманов О.М., Исроилов Б.И., Б.Науkenова «Совершенствование налогового законодательства». «Построение правового государства в Республике Казахстан: Проблемы, Опыт, Перспективы»: // Тез. докл. межд. науч. конф. 25-26 мая 2006. г. Чимкент, 2006.

14. Исроилов Б.И. Солиқ юки ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. // «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари»: // Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 29-30 май 2006. Тошкент, 2006. 49-б.

15. Исроилов Б.И. Солиқ юкини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш йўллари. // «Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг тамойиллари ва асосий йўналишлари»: // Рес.илм. амал. анжумани маъруза тезислари тўп. 29-30 май 2006. Тошкент, 2006. 52-б.

**V. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Боходир Ибрагимович
Исроиловнинг 08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»
иختисослиги бўйича «Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг
методологик асослари» мавзусидаги диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч (энг муҳим) сўзлар: солиқ, солиқ сиёсати, солиқ ҳисоби, солиқ назорати, солиқ назорати объекти ва субъектлари, солиқлар таҳлили, солиқ аудити, солиқлар миқдорига таъсир этувчи омиллар, омиллар гуруҳлари, солиқ юки, солиқ юкини аниқлаш, солиқ юкини ҳисоблаш.

Тадқиқот объектлари: турли мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат солиқ назорати органлари.

Ишнинг мақсади: солиқлар ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлили муаммоларини тадқиқ қилиш ҳамда уларни ечими ва такомиллаштиришга оид назарий, методологик, амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот усули: гуруҳлаш, занжирли алмаштириш, таққослаш, монографик кузатув, социологик сўров каби статистика ва иқтисодий таҳлил усуллари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: «солиқ», «солиқ сиёсати», «солиқ ҳисоби» ва «солиқ юки» тушунчаларининг иқтисодий-ижтимоий мазмуни очиқ берилди ва уларнинг таърифлари такомиллаштирилди; солиқлар ҳисобини ташкил этишнинг концептуал асослари яратилди; солиқлар ҳисоби ва таҳлили усулларини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди; юридик наҳслардан олинadиган қўшилган қиймат, даромад (фойда), ер, мол-мулк солиқлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди; корхоналарда мол-мулкнинг ўртача йиллик қийматини аниқлаш усули такомиллаштирилди; амалдаги қонунчилик нормалари асосида солиқ назоратини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари тавсия этилди; солиқлар аудитининг миллий стандартлари лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалиётга тавсия этилди; солиқларни солиқ тўловчилар ва солиқ йиғувчилар нуқтаи-назаридан таҳлил қилишнинг объектив зарурлиги асосланди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди; солиқ тўловчилар фаолиятини текширишни режалаштиришдан олдин таҳлил қилиш эвазига эришиладиган самарадорликни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилди; солиқлар миқдорига таъсир этувчи омиллар тизими, уларнинг таснифи, аниқланиш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқилди; солиқ юкини аниқлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари, уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари ишлаб чиқилди; солиқ ҳисоби, назорати, ва таҳлиliga доир мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва уларнинг айримлари қонуний ҳужжатларда ўз аксини топди.

Амалий аҳамияти: солиқлар ҳисоби, назорати ва иқтисодий таҳлили бўйича илмий ишда ёритилган назарий, методологик ва амалий тавсиялар солиқлар ҳисобини юритиш, солиқ юкини аниқлаш, солиқ назоратини ташкил

этишни яхшилаш ва солиқ ставкаларини оширмасдан солиқ базасини кенгайтириш эвазига давлат бюджетига тушумларни кўпайтиришга хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган илмий, услубий ҳамда амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ва «Ўзметсвабзавотузумсаноат-холдинг» Холдинг Компанияси тизимидаги корхоналарда амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (далолатномалар мавжуд). Айрим назарий қондалардан «Иқтисодий таҳлил», «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Молиявий ҳисоб», «Бошқарув ҳисоби», «Аудит», «Солиқ ва солиққа тортиш» ва «Солиқ назорати» каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Тармоқлараро миқёсида, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши, турли мулк шаклидаги акциядорлик компаниялари ва корпорациялар корхоналари фаолиятида.

РЕЗЮМЕ

Диссертация Исроилова Боходира Ибрагимовича на тему «Методологические основы финансового учета и анализа налогов» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.08 «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: налог, налоговая политика, налоговый учет, налоговый контроль, объекты и субъекты налогового контроля, налогового аудита, анализ налогов, факторы, влияющие на уровень налогов, группа факторов, налоговое бремя, определение налогового бремени, исчисление налогового бремени.

Объекты исследования: финансово-хозяйственная деятельность хозяйствующих субъектов различной формы собственности и функциональная деятельность государственных органов налогового контроля.

Цель работы: исследование теоретических, методологических и практических проблем налогового учета, экономического анализа и аудита и разработка путей их решения для их практического применения и совершенствования.

Метод исследования: группировка, сравнение, монографическое наблюдение, цепная подстановка, социологический опрос и другие традиционные методы статистики и экономического анализа.

Полученные результаты и их новизна: разработаны новые определения терминов «налог», «налоговая политика», «налоговый учет» и «налоговое бремя» с учетом их социально-экономического и правового содержания; созданы новые концептуальные основы организации налогового учета, даны рекомендации по совершенствованию методики налогового учета и анализа; разработаны рекомендации по совершенствованию учета налогов на добавленную стоимость, доход (прибыль), землю и имущество, оплачиваемых юридическими лицами, и даны предложения по изменению нормативных документов по их учету; предложены пути совершенствования способа определения среднегодовой стоимости имущества в целях налогообложения; предложены рекомендации по совершенствованию налогового контроля с учетом действующих законодательных норм; разработан и предложен для практического внедрения проект национального стандарта налогового аудита; разработаны и обоснованы рекомендации по анализу налогов с точки зрения как налогоплательщиков, так и налогооблагаемых субъектов; разработан способ оценки эффективности анализа уплаты налогов, оплачиваемых предприятиями до составления плана проверок; разработаны система факторов, влияющих на изменение объема налогов, их классификация, методики оценки и анализа; разработаны методики оценки и анализа налогового бремени и определения основных факторов, влияющих на их изменение; разработаны рекомендации по конкретному решению проблем, имеющихся в законодательных актах по ведению налогового учета, контроля и экономического анализа, некоторые из них уже отражены в законодательных документах.

Практическая значимость: внесет ощутимый вклад в положительное решение проблем, связанных с организацией налогового анализа, определения и исчисления налогового бремени, анализа факторов, влияющих на изменение их уровня, увеличение поступления налогов в бюджет путем расширения налоговой базы без введения новых видов налогов.

Степень внедрения и экономическая эффективность: разработанные научные, методологические и практические предложения внедряются в практику на сельскохозяйственных и производственных предприятиях Министерства сельского и водного хозяйства, Холдинговой компании «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг», а также в органах налоговой службы и Республиканского совета по координации деятельности контролирующих органов (имеются по внедрения); используются в процессе обучения предметов «Экономический анализ», «Финансовый и управленческий анализ», «Финансовый учет», «Управленческий учет», «Налоги и налогообложение» и «Налоговый контроль».

Область применения: предприятия отраслей экономики, органы государственной налоговой службы и Республиканский совет по координации деятельности контролирующих органов.

RESUME

Thesis of Isroilov Bohodir Ibragimovich

on the academic degree competition of the doctor of economic sciences,
speciality 08.00.08 "Accounting, economic analysis and audit"
subject: "Methodological bases of financial accounting and tax analysis"

Key words: tax, tax policy, tax accounting, tax control, objects and subjects of tax control, tax audit, tax analysis, factors influencing tax level, group of factors, tax burden, definition of tax burden, calculation of tax burden.

Subjects of the inquiry: financial and economic activity of economic entities of various forms of ownership and functional activity of state tax control bodies.

Aim of the inquiry: research into the theoretical, methodological and practical problems of tax accounting, economic analysis and audit, and finding ways of their solution based on practical use and improvement.

Method of inquiry: grouping, comparison, monographic monitoring, chain placing, sociological survey and other traditional methods of statistics and economic analysis.

The results achieved and their novelty: new definitions to terms like "tax", "tax policy", "tax accounting" and "tax burden" have been developed, based on their socioeconomic and legal contents; new conceptual bases of organization of tax accounting have been created, recommendations on improvement of the methodology of tax accounting and audit given; recommendations on improvement of accounting of value-added tax, profit (income) tax, land tax and property tax paid by legal entities have been developed, and proposals on changing normative documents on their accounting have been made; recommendations on improvement of the way to determine average annual cost of property in tax purposes have been prepared; recommendations on improvement of tax control with consideration of acting legal norms have been made; project of national tax audit standard had been developed and proposed for practical implementation; recommendations on tax analysis from the point of view of both tax payers and taxable subjects have been grounded and developed; the way to evaluate efficiency of analysis of taxes paid by enterprises before preparing plan of checks has been elaborated; system of factors influencing change of tax volumes, their classification, methods of evaluation and analysis have been developed; methods of evaluation and analysis of tax burden and methods of determining main factors affecting their change have been elaborated; recommendations on concrete solution of problems related to legal acts on tax accounting, control and economic analysis have been developed, and some of them have found reflection in the legislative documents.

Practical value: notable contribution to positive solution of problems related to organization of tax accounting, control and economic analysis, determination and calculation of tax burden and analysis of factors influencing change of their level, increase of tax returns in budget through expansion of tax base, without introduction of new types of taxes.

Degree of embed and economical effectiveness: developed scientific, methodological and practical proposals are introduced in practice in agricultural and production enterprises of the Ministry of agriculture and water management, Holding company O'zmevasabzavotuzumsanoat, as well as bodies of tax service and the National council for coordinating activity of controlling organs (acts of introduction available); they are used in the process of teaching "Financial accounting", "Management accounting", "Tax and taxation" and "Tax control".

Sphere of usage: enterprises of economic sectors, activity of state tax service organs and the National council for coordinating activity of controlling organs.

Тадқиқотчи

